УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
12 ФЕВ 1993

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

№ 8 (6519).
Баҳоси 5 сўм.

УСТОЗЛАР ИЗИДАН



Пойтахтимиздаги Ислом Усмонов номли 200-ўрта мактабда ўз ишининг усталари бўлган педагоглар кўп. Бу ерда ёш ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Муҳаббат Акбарова ана шундай ёш педагоглардан. У ҳамиша тажрибали ўқитувчиларнинг маслаҳатларига амал қилади, уларнинг дарсларини кузатади. Шунинг учун ҳам Муҳаббат бошланғич синф ўқувчиларига пухта билим беришга эришиб келмоқда.

— Мен, — деб ҳикоя қилади мактаб директори Абдувосиқ Ваҳобов, — Муҳаббат Акбарованинг кўпгина дарсларини кузатганман. Унда туғма педагогик иқтидор мужассам. Муҳаббат ҳар бир дарсга пухта ҳозирлик кўради. кўргазмали қуроллардан, таълимнинг техника воситаларидан ўринли фойдаланади. Энг муҳими, у ўқувчиларнинг ўзига хос хусуснятларини ҳисобга олган ҳолда муомалада бўлади. Ундаги болаларга бўлган ишонч, меҳр ишдаги ютуқларининг асосий омили бўлмоқда.

Ишчан ва ижодий изланувчи ўқитувчи М. Акбарова ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. У болаларнинг оилавий шароитини яхши билади ва ота-оналар билан бамаслаҳат иш олиб боради.

Сиз кўриб турган суратда М. Акбарова машғулот ўтказаётгани акс эттирилган.

Суратқаш У. ҚУШВОҚОВ.

Муштарий фикр юритади

ТАРБИЯГА ҲАММА МАСЪУЛ

Бола бошидан деганларидек, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда интизом хулқий нормаларни шакллантириш, оилада ота-оналар, ака-опалар орқали, болалар боғчаларида эса тарбиячилар томонидан, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар, спорт мактаблари, ҳар турдаги тўгарак раҳбарлари ва ўқитувчилари томонидан мужассамлантирилади.

Ҳозирги кунда халқимиз ҳаётида рўй бераётган ва ўзбек халқига бегона бўлган иллат — бепарволик, бефарқлик, ўз бурчига нисбатан масъулиятсизлик каби салбий ҳодисалар оқибатида айрим ёшларда урф-одатларни менсимаслик, ота-онага, ака-укага ҳурматсизлик, одобсизлик ҳолатлари намоён бўлаяпти. Айни пайтда ҳолатларни кўра ва била туриб, бунга бефарқ қарашлар ҳам одат бўлмоқда. Чунончи, ёшлар оддий ўзбекларнинг анъанавий урф-одатларидан катталарни ҳурматлаш, улар олдида ўзини тута билиш ёки оддий салом беришни, яъни «Ассаломуалайкум» сўзини ҳам унутиб юборишмоқда ё уни сохталаштириб «салом», «яхшимисан» каби сўзларга алмаштириб олишган.

Айни замонда матбуотимиз орқали «02 хабар қилади», деб номланган рукн остида ички ишлар томонидан берилаётган хабарларни ўқиб юраги орқага тортиб кетади кишининг. Унда ўғрилик, безорилик, қотиллик, бангилик, зўравонлик, фирибгарлик, чайқовчиликлар туфайли жиноий иш қўзғатилиб жавобгарликка торилаётганларнинг ёшлар эканлиги ачинарли ҳолдир, албатта. Шунда ўйлаб қоласан: наҳотки, жамоатчиликни, ота-оналарни ҳайратга солмаса бу иллатлар?! Келажак авлодимиз бўлган ёшларни «Бизнинг ишларимизнинг давомчиси» деб сафсата сотамизу, амалда улар томонидан содир этилаётган воқеликларга, наҳотки, эътиборсизлик билан қараймиз?!

Бола тарбиясида ота-онанинг тотувлиги катта роль ўйнайди. Агар болалар оилада шундай муносабат кўрсалар, катта бўлганларида ҳам самимий, меҳр-шафқатли бўлишга интиладилар. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, айрим оилаларда бўладиган ва бўлаётган жанжаллар, бир-бирини менсимаслик каби салбий ҳолатлар болалар тарбиясида уларнинг онгида ёмон излар қолдиради. Пировард оқибатда, бу иллатлар уларни нопоклик ботқоғи сари етаклайди.

Маълумки, ота-онада қандай хислат — характер бўлса, бола шуни оила шароитида кўради ва унга эришади. Ўз навбатида ота-оналар ўз ҳаётларининг яхши дақиқаларини болаларга ҳикоя қилиб беришлари, ўзларининг яхши томонларини ўғил-қизларига кўрсата билишлари керак. Айниқса, ота-оналар ишдан ташқари маданий дам олишга, болалар тарбияси билан шуғулланишга, уларнинг қобилияти ва қизиқишларига қараб шароит яратиб беришга эътиборни қаратишлари зарур.

Болаларни дарслардан сўнг 2—3 соат ҳафтада 2—3 марта мактабдан ташқари муассасалардан бири бўлган болалар ва ўсмирлар уйига, спорт мактаблари ёки тўгаракларга жалб қилиш ота-она томонидан, мактаб ўқитувчилари ёрдамида эмалга оширилса, нур устига нур бўлади. Бу ҳар бир ўқувчининг ўзи учун, дунёқараши учун, фикрлаш доирасининг кенгайиши ва маълум бир вақтда аниқ бирон-бир касбни танлаши учун мустаҳкам замин тайёрлашга имкон беради. Масалан, мусиқа, рассомлик, ўлкани ўрганиш, тикувчилик каби тўгаракларга қатнаб, ана шу тўгараклар орқали инсон ўзининг шахсини камолотга етказиши мумкин. Гарчи бола келгусида шу касб эгаси бўлмаса ҳам тўгарак орқали олган сабоғи унга ҳаётида, албатта, асқотиши аниқ.

Шу билан бирга болаларнинг тўгараклардаги 2—3 соатли машғулотлар орқали уларнинг бемаъни сангишлар, ҳар хил кинолар кўриб, уларга тақлид қилишлари, ҳаётнинг айрим қийинчиликлари олдида довдираб қолиб, нотўғри йўлларга кириб кетишларининг олди олинади.

Умуман, бола таълим-тарбиясини йўлга солиш фақат педагогларнинггина иши бўлиб қолмай, айни пайтда ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла кишиларининг ҳам муқаддас бурчидир.

Ш. ЮНУСОВ.
Андижон вилояти.

ШАНБА ЧОРШАНБА

БУ ҲАМ ИШБИЛАРМОНЛИК

Сирдарё тумани ҳудудидаги Бахт шаҳрида жойлашган 10-ҳунар-техника билим юрти маъмурияти аъločи жамоатчи ўқувчиларни рағбатлантиришга катта эътибор бермоқда. Билим юртининг 30 нафар илғор ўқувчиси республикамизнинг қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрига юборилди. Саёҳат чоғида ёш сайёҳлар шаҳарнинг тарихий обидаларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Саёҳат ҳаражатига сарфланган маблағ билим юртида йўлга қўйилган пулли хизмат кўрсатиш курсларидан тушган даромад ҳисобидан бўлди. Ҳозир ҳунар масканида иқтисодий наф келтираётган шундай курслардан учтасида аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда.

ТИЛ-АДАБИЁТ ХИЁБОНИ

Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши ҳар соҳага, жумладан, халқ таълими соҳасига ҳам ижодкорлик билан ёндашувни талаб қилмоқда. Шундай ижодкор ўқитувчилардан бири Ўғилчахон Қурбонова Фарғона вилояти Қува туманидаги 5-ўрта мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс беради.

Яқинда Ўғилчахон Қурбонованинг ҳаракати, мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг фидойилиги, ёрдами билан «Тил ва адабиёт хиёбони» ташкил қилинди. Хиёбон учун алоҳида хона шарт бўлмади. Мактабнинг йиғилиш залига ўтиладиган ойнаванд йўлак танланди. Бу ер ўқувчилар билан доимо гавжум бўларди. Жой тўрига улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг портрети жойланди. Унинг икки ёнига «Навоийнинг ҳаёт йўли», «Навоийнинг ижод йўли» кўргазмалари қўйилди. Шоирнинг ҳикматли сўзларидан намуналар ёзилди. «Тасвирий санъатда Навоий ва унинг қаҳрамонлари» деб номланган кўргазмада рассомлар томонидан чизилган Навоийнинг ва асарларидаги қаҳрамонларининг суратлари жойлаштирилди. Учинчи кўргазма «Навоий — замондошлари зикрида» бўлиб, ундан аллома ҳақида дўстлари Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро ва Навоийни ўзига устоз ҳисоблаган Бобурнинг фикрлари расмлари билан бирга ўрин олди.

Хиёбоннинг энг кўркам ва нафис ишланган кўргазмаларидан бири «Буюк сиймо дурдоналари»дир. Унинг ўртасига «Хамса» китобининг макети, атрофига эса Навоийнинг бошқа асарлари макет ҳолида жойлаштирилди, гўё шоир асарлари териб қўйилгандай. Навбатдаги кўргазма Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланди. Бобурнинг ибратли ғазаллари, у ҳақда айтилган фикрлар, бобурийлар даври маданий ёдгорликларига оид расмлар кўпчиликнинг эътиборини тортяпти.

Хиёбон кўргазмалари қаторидан ўзбек халқи тарихида ўтган буюк аллома ва ижодкорларга, демократик адабиёт вакилларига ҳам ўрин берилди. Хиёбоннинг бир томони тилга бағишланиб, у ерга «Туркий тиллар онласи» кўргазмаси қўйилди.

Бу ерда ўзбек тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш юзасидан мактабда олиб борилаётган тадбирлар, тил ҳақидаги қимматли фикрлар баён этилган. Хиёбоннинг бир бурчагидаги деворга кенг водий тасвири ишланди. «Тил ва адабиёт» хиёбони ўқувчиларнинг шу фандан оладиган билимларини кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда.

Н. МУМИНОВ.

ДИҚҚАТ: СПАРТАКИАДА!

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон жумҳурияти жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг биргаликда қабул қилган қарорига мувофиқ республика умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг 11 спартакиадасини ўтказиш бўйича биринчи штаб йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Б. Қодиров очиб, қилинадиган муҳим ишларга алоҳида тўхталди.

Штаб йиғилишида спартакиаданинг тўрт босқичда — мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг жисмоний тарбия коллективларида, синфлар, гуруҳлараро мусобақалар; туманлар ва шаҳарлараро мусобақалар; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри спартакиадалари; умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари спартакиадасининг финал мусобақаларини ўтказишга ҳам келишиб олинди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев республика ўқувчиларининг бу спартакиадасини ўтказишда асосий эътиборни мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, синфлараро, гуруҳлараро мусобақаларни спорт байрами руҳида ўтказишга, оммавий спорт ишларини ривожлантиришга, спорт иншоотларининг моддий манбаини мустаҳкамлашга ҳамда ўқувчиларни спортга мунтазам жалб этишга алоҳида эътибор беришни таъкидлаб, айниқса, мусобақанинг уч босқичини юқори савияда ўтказиш учун энг яхши спорт залларини, майдонларни ёлдиндан тайёрлаш лозимлигини ҳам уқтириб ўтди.

Шунингдек, штаб йиғилишида Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг муовини К. Т. Юсупов ва бошқалар иштирок этишди.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ГУРУҲИ

Абдулла Қодирий номли 6-ўрта мактаб Сирдарё шаҳридаги намунали билим масканларидан. Бу ерда ҳозир 670 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Мактабда бир эмас, иккита спорт саройи бор. Бу қулайликдан мактаб маъмурияти ўринли фойдаланмоқда. Ўқув машғулотлари, спорт мусобақалари юқори савияда ташкил этилаётир. Яқинда бу ерда жисмоний тарбия дарсларидан беморлиги туфайли озод қилинган талабаларга мўлжалланган соғломлаштириш гуруҳи очилди. Гуруҳ машғулотларини мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари шифокорлар билан бамаслаҳат тузилган алоҳида дастур асосида олиб боришмоқда.

Қ. ҲОЖИЕВ.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ЖОНБОЗЛИК БЎЛМАСА...

Бозор иқтисоди, ҳамма соҳада бўлганидек, халқ таълими муаммоларини янгичасига, ишнинг кўзини билиб ҳал этишни талаб қилмоқда.

Халқ таълимида шу йўналишда иш олиб бораётган Ўзбекистон тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси қисқа вақт ичида анчагина ибратли ишларни амалга ошириб, ўқитувчи ва тарбиячилар ҳурмат-эътиборини қозонди. Биз уюшма раҳбари, Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди Р. ҲАСАНОВ билан уюшма фаолияти ва муаммолари хусусида суҳбатлашдик.

— Раҳимжон, тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси тузилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу ташкилотнинг мухлислари ҳам ўзига лойиқ бўлса керак, деб ўйлайман.

— Саволингиз жуда ўринли. Шу нарсани унутмаслик керакки, бозор иқтисодиётининг ўз қонунлари ва механизмлари бор. Уюшмамиз фаолиятини ана шу қонунлар асосида олиб бораётирмиз.

Маълумки, ҳозирги шароитда халқ таълимида ҳам муаммолар кўп. Уларни давлат муассасалари орқали ҳал этиш, афсуски, анча қийин бўлмоқда. Шунинг учун ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларнинг кучларини тўплаш ва муаммоларни ўзлари ҳал этишларига эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг эҳтиёжини, уларнинг дарду ҳасратини билиш учун учрашувлар, суҳбатларда улардан буюртмалар олаётирмиз. Айни пайтда муаллифлар билан шартномалар тузиб, уларнинг методик ва ўқув қўлланмаларини сифатли ва тез нашр этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган қисқа муддат ичида мактабгача тарбия муассасаларига 16 номда, бошланғич синфларга 7 номда, тасвирий санъат муаллимларига 12 номда, шунингдек, мусиқа ва жисмоний тарбия ўқитувчиларига 3 номда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига бадиий тарбиядан 2 номда методик материаллар нашр этдик. Дастлабки амалий ёрдамларимиз ўқитувчи ва тарбиячиларни хурсанд қилганидан мамнунмиз.

— Уюшмангиз фаолиятини яхшилашда жойларда учрашувлар, семинарлар ва бошқа тадбирлар уюштираётганингизни эшитганмиз. Шу ҳақда қисқача гапириб бersангиз.

— Матбуотларда тасвирий санъат муаллимлари дарслик ва қўлланмалар йўқлигидан нолиб ёзишгани ёдимизда. Биз ўқитувчилар билан бевосита мулоқотда бўлиш мақсадида Жиззах ва Шаҳрисабз шаҳарларида вилоят тасвирий санъат муаллимларининг иккита семинар-кенгашини ташкил этдик. Айни пайда ижодкор ўқитувчилар ва талабаларнинг тасвирий ижод кўргазмаларини уюштирдик. Шунингдек, Тошкентда мактаб ўқувчиларининг ижодий ишларидан битта жумҳурият ва битта шаҳар миқёсидаги кўргазмасини ташкил этдик.

Уюштирилган бу семинар-кенгашда ўқитувчиларнинг иш тажрибалари билан ўртоқлашилди, ҳал этилиши зарур бўлган кўпгина муаммолар ўртага ташланди. Айни пайтда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кўплаб ижодий ишлари моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

— Уюшма болалар боғчалари учун ҳам тўққиз номдаги дастурлар мажмуаси нашр этганлиги ҳақида эшитдик...

— Гапингизни тушундим. Ўзбек халқи ҳаётида янги давр бошланди. Мустақил Ўзбекистон халқ таълимига мустақил ва оригинал дастур, дарслик ва қўлланмалар, кўргазмали қуроллар керак. Бу олимларимиз ва методистларимиздан катта куч-ғайрат талаб этади. Биз илк бор ўзбек мутахассислари томонидан тайёрланган дастурлар мажмуасини нашр этдик. Улар нутқ ўстириш ва бадиий адабиёт, одобнома, тасвирий санъат, мусиқа, ўйин, табиат билан таништириш, меҳнат, жисмоний тарбия, илк математик тасаввурларни ўстиришдан иборат.

Ўн минг нусхадаги бу дастлабки мажмуа бир ой ичида нашр этилди. Эҳтиёжга қараб уни янада кўпроқ нусхада чоп этишимиз мумкин.

— Юқорида қайд этилганидек, уюшма асосан тасвирий санъат муаллимлари мушкулини осон қилишга хизмат қилиши керак. Бу борада ишлар қай аҳволда?

— Режага кўра, тасвирий санъат муаллимларига зарур янги дастурлар, методик қўлланма, тавсияномалар, альбомларни нашр этаётирмиз. Бу ишларимиз қаторига 1—4-синфлар учун «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат», тўгараклар учун «Каштачилик», факультатив машғулотлар учун «Рангтасвир», «Ҳайкалтарошлик», «Ўзбекистон тасвирий санъати», 1—7-синфлар учун «Тасвирий санъат», «1-синфда тасвирий санъат дарслари» методик қўлланмаларини, олий ва ўрта махсус педагогик ўқув юртлари учун «Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси», «Тасвирий санъатдан дала машқлари амалиёти» дастурлари, «Примерное планирование уроков изобразительного искусства и художественного труда 1—4 классах», 5—7-синфлар учун «Изобразительное искусство» дастури, «Мактабда жисмоний тарбия машғулотларини миллийлаштириш» илмий-методик тавсиялар, 7—9-синфлар учун «Чизмачиликдан дидактик комплекс» методик қўлланмаларини, 1—4-синфлар учун «Декоратив расм ишлаш», 5—7-синфлар учун «Тасвирий санъат», расм чизишга қизиқувчилар учун «Рассомчилик сирлари», 1—4-синфлар учун «Бўғин ва сўз тузиш» альбомларини кўрсатиш мумкин.

Афсусланарли жойи шундаки, машаққат билан рўёбга чиқарилаётган бу ишларимизнинг кўпчилиги эгаларига етиб бормаяпти. Уларни, ҳатто, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлари, малака ошириш институтлари кутубхоналарида ҳам топиш мушкул. Чунки улар савдога ҳам чиқмайди, кутубхоналар коллекторларига ҳам юборилмайди. Материалларимизни қандай қилиб кутубхоналарга етказишга ҳайронмиз.

— Уюшманинг ўз низоми, мақсад ва вазифалари бор. Улар қай даражада бажарилмоқда?

— Очиғини айтганда низомимиздаги вазифаларимизнинг ўндан бирини ҳам бажаролмаяпмиз. Режаларимиз ниҳоятда катта. Афсуски, имкониятларимиз йўқ. Режамиз бўйича биз болалар ва ижодкор ўқитувчилар жумҳурият кўргазмаларини, болаларнинг энг яхши расмлари учун танловларини ташкил этиш, текинга болалар учун халқ амалий санъати бўйича тўгаракларни, Арманистон, Гуржистон ва Озарбайжондаги каби болалар ижоди музейини очиш, ўқитувчи ва тарбиячилар учун бадиий тарбияга доир салон-дўкон ташкил этиш, бадиий тарбияга доир ўқув ва кўргазмали қуроллар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ташкил этиш кўзда тутилган. Шунинг характерлики, буларни ташкил этишга маблағимиз ҳам, кучимиз ҳам етарли. Бунинг учун фақат жой керак.

— Раҳимжон, уюшмангиз муаммолари ҳал этилса, янада яхши натижаларга эришишингиз мумкинлиги сезилиб турибди. Айтингчи, вилоятлардаги бўлимлар қандай фаолият кўрсатишяпти?

— Уюшма бошқаруви йиғилишларида эътибор берган бўлсангиз, айрим вилоятларнинг вакиллари долзарб масалаларни кўтариб чиқишади, саволлар, таклифлар билан қатнашишади. Бу ўринда Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Андижон вилоятларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин аксарият вилоятлар бу ишда ўзибўларчилик кайфиятига берилган. Бундай аҳволда нафосат тарбиясини яхшилаш қийин.

— Мактаб таълимини такомиллаштиришда уюшмаларнинг аҳамияти катталигини таъкидлаб ўтирмаса ҳам бўлади. Бундай уюшмалар нега сусткашлик билан ташкил этилаётганини қандай изоҳлайсиз?

— Уюшмалар тузиш фойдали иш. Лекин бу осонлик билан рўёбга чиқмайди. Бу соҳага раҳбарлик қилувчи киши ўз ишининг фидойиси бўлиши керак. Яқинда бизнинг уюшмамиз ҳомийлигида мусиқа ўқитувчилари уюшмаси ҳам тузилди. Шунингдек, Республика информатика ва ЭҲМ ўқитувчилари уюшмаси ҳам тузилди. Яна айрим фанлар бўйича уюшмалар тузиш ҳаракатлари бор.

— Раҳимжон, жумҳуриятимиз тасвирий санъат ўқитувчиларига хизмат қилишда уюшмангиз ишига ривож тилаймиз. Омад ёр бўлсин.

— Яхши истакларингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош
Ғ. МАННОПОВ.

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА.

УНЛИ ТОВУШЛАР НЕЧТА?

Ҳар бир тилни, унинг қонуниятларини ўз ички имкониятлари даражасида ўрганган маъқул. Тилшунос олимларимиз ўзбек тилига негадир ҳанузгача бошқа тилларга, бошқа тил қонуниятларига эргашиб қарамоқдалар. Шу кунларда ҳам дарсликларда, кўргазмали қуролларда унли товушлар ўнта: а, о, и, у, ў, э, я, ю, ё, е; мазкур товушлар унли товушлар бу ҳарфларни унли ҳарфлар, деб аталаётир.

Мактабларнинг ўзбек тили ўқув фани синфларида, бошланғич синф хоналарида ҳам жимжимадор қилиб қизил сиёҳда «Унли ҳарфлар» деб ёзиб қўйилади. Ҳатто алфавит ва дарсликларда улар расмлар орқали кўрсатиб берилган. Наҳотки, ўқитувчиларимиз, олимларимиз унли ва ундош товушларни фарқлай олмасалар... Ҳеч бўлмаганда ҳар бир ҳарфнинг товуш ифодасини кузатсалар, фарқланишини ўргансалар яхши бўларди.

Унли товушлар бир овозданги на ҳосил бўладиган товушлардир. Ундош товушлар эса қўш ундошдан ҳосил бўладиган товушлар. Бу ерда «дош» қўшимчаси яқинлик маъносини ифодалайди. Шунга кўра, ундош товушлар ҳар доим қўш товушни ифодалайди. Юқоридаги йолашган деган товушларимиз ҳам қўш ундош товушларни ифодалайди: я (йа), ю (йу), ё (йо), е (йэ). Бу товушларнинг унли товушларга ўхшаш томони — уларни сўзларда бўғинларга ажратишда қўл келади, холос. Шунинг учун, менимча, юқоридаги йолашган ундош товушларни фақат сўзларда сўз бўғинларини ҳосил қилишда қўлланадиган ундош товушлар, деб қараш керак.

Унли товушлар ўзбек тилида ҳам худди рус тилидагидек 6 та деб ўрганилади. Ҳолбуки, ўзбек тилининг имкониятлари жуда кенг. Шунга кўра, ўрганилганида, ўзбек тили жуда гўзал тил эканлигини унутмаслигимиз лозим. Хулоса, қилиб айтганимизда, ўзбек тили унли товушлар сони 10 та ҳам, 6 та ҳам эмас, балки 7 тадир.

Юқоридаги 6 та унли товушлар тимсолий белгилар орқали ифодаланган. Аммо, у ва ў унли товуши оралиғидаги товуш мавжуд бўлса-да, ҳеч қандай тимсолий белги орқали ифодаланмайди.

Ҳар куни кўплаб шу сўзлардан фойдаланамиз: Ўзбекистон, Ўткир, ўлка, ўйна, ўзи, ўпка, ўрган, Ўлмас, ўлан, ўкирмоқ ва бошқалар. Мазкур сўзлардаги биринчи ҳарф ўрнига тегишли белги (тимсолий) ишлатган маъқул.

Шундай қилиб, ўзбек тилида унли товушлар сони 7 та бўлиб, еттинчи унли товушни ҳам бирорта тимсолий белги орқали белгилаш керакка ўхшайди.

Хўжамурод ЖЎРАЕВ,
Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 35-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

●

ТАҲРИРИЯТДАН: муаллим Х. Жўраев бу ерда ўзбек тилидаги унли товушларга нисбатан ўзининг шахсий нуқтаи назарини билдирмоқда. Мақолада кўтарилган муаммо ўзбек тили муаллимларини, шунингдек, тилшунос мутахассисларни ҳам беэътибор қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Аҳрор Тўлаганов бир неча йилдирки, ёшларга химия фанидан сабоқ бериб келади. Тошкент шаҳридаги 273-мактаб жамоаси ҳам, ота-оналар кенгаши ҳам тажрибали муаллимдан доимо миннатдор.

Р. АЛЬБЕКОВ олган тасвир.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

БОЛАЛАР ОРАСИДА БОЛАДЕК

Ҳар бир элнинг, ҳар қишлоқнинг ўз севган, ардоқлаган кишилари: санъаткорлари, шоирлари, ҳунаркашлари бор. Бундай инсонлар ўз элига кўрк, файз бағишлайдилар. Эзгуликка хизмат қилиб, обрў қозонадилар. Тақдирнинг эркасига айланадилар.

Шундай ҳазрати инсонлардан бири Қамашида яшайди. Раҳматжон ака ўзининг туғма истеъдоди, олижаноб хизмати туфайли эл севган кишилар сирасига киради. Нафсиламбрини айтганда, Қамашида қўшиқчилик санъати Раҳматхон Азимовдан бошланади. Кейингилари эса унинг шогирдлари, издошлари. Ўзбекистон радиоси ва телевидениесида, бошқа санъат даргоҳларида хизмат қилаётган укалари Юсуфхон, Абусаидхон, Болтахон Азимовлар ҳам илк сабоқни Раҳматхон акадан олганлар.

Эсимни танибманки, Раҳматхон ака қўшиқ айтади. Қамашида ўтадиган ҳар тўй, зиёфатни Раҳматхон ака ва унинг шогирдлари қизитади. Шунинг учун ҳам, бу ерликлар олис пойтахтдан артист чақириб, чиқимдор бўлиб ўтиришмайди. Бунга ҳожат йўқ. Чунки профессионал санъаткорлардан қолишмайдиган Раҳматхон акадек ўз ҳофизлари, хушовоз булбуллари бор.

Мурғаккина болалик йилларимда пионерлар уйидаги ҳаваскорлик тўгарагига қатнашар эдик. Раҳматхон ака бизга қўшиқ айтишни, соз чалишни ўргатар эди. Ўшанда рубоб чалишни дурустгина ўзлаштириб олганмиз. Нотадаги «до ре ми фа соль ле си до»ни ҳам бизга илк бор Раҳматхон ака ўргатган. У кишини биз турналардек қуршаб ўтирар эдик. Раҳматхон ака даврамизда боладек бўлиб қоларди. Кичкина ютуғимиздан шодланиб, нуқсонимиздан азият чекар, сабр-тоқат билан санъатнинг ҳадҳудудсиз сир-асрорларидан бизни воқиф қиларди. Шу-шу қалбим санъатга ошуфта бўлди. Гарчи қўшиқчи ёки раққоса, созанда бўлмасам-да, садоқатли мухлисга айландим. Бунинг учун биз Раҳматхон акадек олийҳиммат санъаткордан, педагогдан миннатдор бўлмоғимиз лозим. Негаки, у бизга ўзбек мумтоз мусиқасининг сеҳрли жозибасини, оҳанграбо мисол куч-қувватини англатди. Бундан маънавий юксалганмиз, руҳий озуқа олганмиз.

Юқори синфда ўқиётганимизда туман маданият уйида «Бўстон» ашула ва рақс дастаси ташкил бўлди. Асосий ташкилотчиларидан бири эса Раҳматхон ака эди. Ёзда Молдавия республикасида ўтган Бутуниттифоқ ҳаваскорлар фестивалида қатнашдик.

Кечагидай эсимда. Дастамиз аъзоларини олиб самолёт осмони фалакка учиб борарди. Самолётнинг бир маромда гувиллаши эшитилади. Бир пайт майин мусиқа овози таралди. Сўнг куйга қўшиқ уланди. Торини маҳкам бағригa босган кўйи, кўзларини юмиб Раҳматхон ака «Қора кўзим»ни куйларди. Дилимга гўё чўғ тушди. Хонанданинг кучли, ширали овози дил торини оҳиста чертар, кўнгил ором оларди. Унга сочларини силкитиб жунунваш қиёфали бастакор Раҳимжон Комилжонов жўр бўлди. Сўнгра, бошқалар ҳам, самолёт салонида гўё концерт залига айланган. «Қора кўзим», «Танавор», «Ушшоқ», «Тошкент ироғи»дан ўтиб «Омон ёр» куйланаётганида самолётимиз қадимий шаҳар Одессага қўнди. Кишинёвга эса поездда кетдик...

...Йиллар армонли ўтиб бормоқда. Ўша кезлари очилаётган ғунча бўлсак, эндиликда ёшликнинг интиҳоси-ю, кексаликнинг ибтидосида турибмиз. Теран гаплари ила кўнглимга эзгулик уруғини солган Раҳматхон ака ҳам донишманд бобога айланди. Ўзи сингари камсуқум, камтарин ўғил-қизлари бугунги кунда эл-юрт хизматида камарбаста. Аллақачон пенсияга чиқиб кексалик гаштини суриб ётишга ҳақли Раҳматхон ака ҳали-ҳануз ижод қилмоқда. Шогирдларини мусиқа сирларидан огоҳ этмоқда. Туман мусиқа мактабида ўтаётган дарсларига кунининг ярмини бағишласа, қолган вақтини «Ғунча» болалар боғчасининг кичкинтойлари орасида ўтказади.

Мен у кишини кенг ва гўзал мусиқа залининг бир чеккасига қўйилган пианино ёнида ўтирганида учратдим. Атрофини қушлар каби жажжи болажонлар қуршаб олган. Уларнинг масъум чеҳрасида, ҳайрат тўла кўзларида Раҳматхон ака чалаётган куйнинг жозибадор сеҳрини кўриш мумкин. Ён токчада териб қўйилган тор, рубоб, аккордион, ғижжак, доира асбоблари кўзга ташланади. Раҳматхон ака буларнинг ҳар бирини зўр маҳорат билан чалавераді. Мана, у пианинони ҳам иштиёқ билан чалмоқда. Майин куйга болажонлар билан жўр бўлиб Раҳматхон ака куйлайди:

Тошхон қиз ўзи, ўзи,
Бошида йўрма дўзи.
Йўрма дўзи ярашган,
Ойисига қарашган.
Ҳаю читтигул,
ҳаю читтигул...

Уларга боқиб дилни завқшавқи босади. Болалар даврасида боладек бўлиб ўтирган улар дунёсига кириб, беғубор оламнинг бахтиёр лаҳзаларидан баҳраманд бўлаётган Раҳматхон акадан кўнгил мамнун бўлади.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВ

Яқинда Алишер Навоий номли Адабиёт музейида мактаб ўқувчиларининг анъанавий ёш шоирлар конкурси ўтказилди. Конкурсда 20 га яқин ўқувчилар иштирок этишиб, ўзларининг турли мавзудаги шеърларидан ўқиб беришди.

Барно Хўжаева, Сайидолим Бурхоновларнинг шеърлари бадиий пишиқлиги, мазмундорлиги, таъсирчанлиги билан кўпчиликка манзур бўлди.

Мактаб ўқувчиларининг «Ёш шоирлар» конкурсида таниқли шоирлардан Йўлдош Эшбек, Нилуфар, Замира Эгамбердиевалар қатнашиб, бундай учрашувлар тез-тез ўтказилса, ёш талантлар учун ҳар томонлама фойдали бўлажагини таъкидлашди.

Мухбиримиз.

ИГНА ФАЛСАФАСИ

ТАБОБАТ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ АЪЛОЧИСИ, БИРИНЧИ ТОИФАЛИ АСАБ ШИФОКОРИ ИБРОҲИМЖОН ОРИФЖОНОВНИНГ МУОЛАЖАСИ ҲАҚИДА

МУЪЖИЗАГА ДУЧ КЕЛСАНГ...

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий тадқиқот институти «Тошкент минерал суви» даволаш масканида бўлганимда, дил дафтаримга айрим қораламаларни битгандим. Бугун уларни варақлаб нимадир айтгим келади.

Абу Али ибн Сино «Китоби аш-шифо» асарида «Мўъжизага дуч келсанг, инкор этишга ошиқма, уни изоҳлаб берувчи табиатнинг ўз қонунлари бўлиши мумкин» деган эди. Зотан, «табиатнинг нодир асари» — ўтли вужуднинг бирон-бир аъзоси шикастланса, мажруҳ бўлиб қолса-чи? Бошқа касалликлар ҳам чақир тиканакдай унга ёпишиб олиб бутунлай тўшакка михлаб ташласа-чи? Нима қилмоқ керак? Ким сенга ёрдамга келади?..

Табиатингга яқин муолажаларни қабул қилишга мажбурсан. Бунинг учун табиат инъомларидан фойдаланишинг шарт.

ИГНА УЧИДАГИ ҚАСР

Шифохона доврўғи бутун Мовароуннаҳрга тарқалганлиги бежиз эмас. Катта майдонда 1975 йили кўп қаватли замонавий шифо маскани қад ростлади. Илгарилари бу ерда 150—160 киши даволанган бўлса, эндиликда, 250 бемор шифо топмоқда. Шифохонада сурункали полиартрит, ошқозон-ичак, юрак ва асаб хасталиклари, бод, ўт пуфаги хасталиклари билан оғриганлар дарддан фориғ бўлишади. Игна билан даволанганлар 70—80 фоизни ташкил этмоқда...

Қандай бўлмасин, асаб шифокори билан учрашишим даркор. Ниҳоят, унинг кабинетига кирдим. Дераза ёнига қўйилган узун столда оқ халатли киши даста-даста китоблар-у ҳар хил қоғозларга кўмилиб ишлаб ўтирарди. У дарҳол ўрнидан турди. Ўрта бўйли, очиқ чеҳрали, ёқимтой кўзлари маъноли боқади. Ўзи пайғамбар ёшидан ўтган бўлса-да, ҳали жисмонан бақувват, қалин сочларига деярли оқ ораламаган, босиқ киши. Одамнинг қандайлигини унинг юзларидан билиш мумкин.

Иброҳимжон ака билан узоқ суҳбат қурдик. Мавзуасаб касалликлари — игна санчиб даволаш, игна фалсафаси. Кабинет ҳам сирли бир дунёга монанд. Деворларида ҳар хил чизмалар, схемалар, портретлар, расмлар. Суяклар, улардаги белгилар, нуқталар кўзга ташланади. Инсон вужудидаги касалликларга игна урриладиган майда нуқталар тасвирланган диаграммалар осиғлиқ. Ибн Сино ва Ал-Беруний сингари алломаларнинг суратлари ва уларнинг табобат илми ҳақидаги фикрлари акс этган. Кроватлар ёнида бир жавон турибди. Унда асаб касалликларига оид табобат китоблари бор. Айрим қаватига нос-папирос сингари заҳарли нарсалар ҳам қўйилган. Бугина эмас, жавондаги кундаликлар, мактубларда дўстлик, ҳамкорлик алоқалари акс этган.

Кабинетнинг ярми чойшаб билан ўралган. Унинг бир қисмида беморларга игна қўйилади. Парда орқасидаги бурчакда эса радио аппарати мавжуд. Радио ва магнитофон бу ерга савлат тўкиб туриши ёки шифокорнинг мусиқа эшитиб дам олиши учун қўйилгани йўқ. Аксинча, у ҳам игна терапия шифо воситаси. Иброҳимжон ака беморларнинг тегишли нуқталарига игнани санчиб қўяди, у 30 минут туриши шарт. Шу сонияларда бемор ҳам руҳий, ҳам маънавий озиқ олиши даркор. Иброҳимжон ака ёқимли куй, қушиқ ёки қушлар овози ёзилган лентани тилга киритади. Уларни тинглаганингда асаб томирларинг ёзилади, анча ҳордиқ чиқарасан. Демак, куй-наво ҳам асабга шифо экан.

У дардни енгиллаштиришда табобат илмининг асаб ва физиотерапия соҳалари бўйича шу усулни кўп йилдан бери қўллайди. Бу усулдан энг ривожланган Ҳитой табобатида ҳам ҳали фойдаланилмаган.

Иброҳимжон ака ТошМИни тамомлагач, гелминтология — гижжа касаллиги мутахассислиги билан шуғулланди. Бир неча йил Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институтида лаборатория мудири бўлиб ишлади. Шу орада игна терапияга ҳам қизиқмай қолмади. Ўз устида кўп ишлаб, илмий изланишлар олиб борди. Москвалик машҳур олим, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик К. И. Скрябиннинг илмий раҳбарлигида номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Ҳа, 1961 йил унинг ҳаётида илмий чўққиларни эгаллаш йили бўлган эди.

Энди у игна терапия кабинетини очиш нияти билан яшарди. Ахир, одамларга кўпроқ фойдаси тегсин. Даволашнинг бу усулига муҳтож бўлган беморга ёрдам бериш ҳам фарз, ҳам қарз. 70-йиллари Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги табобатнинг игна терапиясидек муҳим янги соҳасини йўлга қўйиш мақсадида жойларда бир неча игна терапия кабинетларини очди. 1975 йили уни «Тошкент минерал суви» республика физиотерапия касалхонаси игна терапия кабинетига мудир қилиб ишга юборишди. Иброҳимжон ака бу соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва сирларини обдон ўрганган эди. У физиотерапия врачи В. С. Сварачевский билан ҳамкорликда бир аппарат ихтиро қилди. Бу аппарат игна терапевтлар учун муҳим техника бўлиб, у игна санчиш лозим бўлган нуқталарни топишда қўл келмоқда. Мутахассис бу аппарат билан игна санчиш лозим бўлган нуқталарнинг ҳаммасини билади. Лекин у ўша нуқталарнинг ўзида ҳам игнанинг айнан қаерга санчишини билиши даркор.

Шу ўринда бир тарихий ҳақиқатни айтиб ўтиш лозим. Аниқ манбаларда айтилганидек, табобатнинг сирли илмлари билан фақат руҳан ўта пок кишиларгина шуғулланиб мақсадга етганлар. Бундай улуғ зотлар Туркистонда кўп бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбандий, Абдураҳмон Жомий, Низомиддин Хомуш, Хўжа Аҳрор... Ҳазрат Нақшбандий дуо ўқиш билан кучли жалани тўхтата олган. Жомий қўл тегизмай беморни даволаган. Хомуш бировнинг дардини ўзида ҳис эта олган. Машҳур шайхлар, сўфилар бу илмлар бўйича шундай олий даражаларга етишганки, бир оғиз сўз айтмай тонг отгунча ўзаро телепатик усулда суҳбатлашишган. Кўринмас олам билан доимий мулоқотда бўлганлар. Олов устида куймай юра олишган, ҳатто кўпчиликнинг кўз ўнгида ғойиб бўлиб кетишган...

Асаб шифокоричи? Улар қандай одамлар ўзи? Беморни игна учидаги қасрга қиёс қиламиз. Вужуддаги нуқталар дедик. Улар қандай нуқталар? Игна терапияси нима, у қаерда, қандай пайдо бўлган? Иброҳимжон ака бу ҳақдаги фикрларини изоҳлай бошлади.

ТАРИХ ТИЛГА КИРДИ

— Дунё халқ табобати илдизлари Хитойга бориб тақалади, — у ўз фикрларини Хитой манбалари асосида исботлашга тутинди.

Унинг кўнглида бир афсона кечди. Афсона замирида ҳақиқат бор. Мелоддан аввал, бешинчи асрда Хитойда буюк Фу-Си деган император яшаган. Кунларнинг бирида унинг севимли ёрдамчиси қаттиқ бод оғриғига чалинади. Шунда маълум бўлган барча муолажалар қилинади, лекин унга шифо бўлмайди. Фу-Си ўз империясидаги сурункали бош оғриғига чалинган кишилар нимадан тузалганлигини суриштириб билмоқчи бўлади. Маълум бўлишича, бир деҳқон ёшлигидан қаригунига қадар боши оғриган. Бир куни у омоч билан ер ҳайдаётганда ҳўкизнинг оёғидан зарб билан учиб келган бир тош деҳқоннинг шиллиғига урилади. Шу заҳоти бош оғриғи тўхтайди.

Маълум бўлишича, умр бўйи бир кампир ҳам бош оғриғига чалинган. Бир куни у томга чиқаётиб шотидан йиқилиб, оёғининг тиззаси лат ейди. Шу сониядаёқ унинг бош оғриғи тўхтайди.

Бу воқеаларни эшитгач, Фу-Си бир фикрга келди: ўз ёрдамчисининг тиззаси атрофига қиррали тош билан аста ураді. Бемор бир умрга бош оғриғидан қутулади. Оғриқни тўхтатувчи нуқталарни топишда илк бор муолажа усули юзага келди. Неча асрлар давомида оғриққа таъсир ўтказувчи нуқталар бўйича тажрибалар ўтказилди. Игна билан даволаш усуллари ва нуқталарни аниқлаш бўйича Хитойда қомусий китоблар ёзилди.

Ривоятларга қараганда, жанубий Хитойда игна санчиб беморга шифо берилган бўлса, Шимолий Хитойда беморнинг маълум бир нуқталарини қуйдириб даволаш усули юзага келди. Кейинчалик бу икки усул ўрта Хитойда учрашди. Хитойча ЧЖНЬ — нина санчиш, ЦЗЮ — куйдириш, қиздириш усули ЧЖНЬ — ЦЗЮ — даволаш усуллари дунёга келди. Бироқ даволашнинг бундай усуллари узоқ асрлар Хитойда сир сақланган. Олтинчи асрнинг ўрталарида буюк Хитой давлати Қурия, Япония, Вьетнам, Ҳиндистоннинг айрим ерлари ва Жанубий Тибетни босиб олгач, игна билан даволаш усули кейинчалик дунё мамлакатларига маълум бўлди. Куйдириб даволаш бўйича Япония усули юзага келди.

Франциялик миссионер — врач ва машҳур композитор Берлиос беморни игна билан даволаш усулини Францияга олиб кирди. У тарихда биринчи марта полиартрит касалини куйдириш усули билан даволади. Кейинчалик унинг издошлари кўпайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитой ва собиқ Совет давлати ўртасидаги муносабатлар яхшиланди. Хитойшунос рус олими Вьяземский бу усулни Хитойда бориб ўрганиб келиб илмий-амалий тадқиқотлар олиб борди. 1957 йили машҳур врач В. Г. Вагранник раҳбарлигида бир гуруҳ врачлар тажриба ўрганиш учун Хитойга боришди. Улар орасида Ўзбекистондан Иброҳимжон Орифжоновнинг устози Неъматулло Иноғомжонов ҳам бор эди. Хитойдан қайтгач, В. Г. Вагранник «Хитой халқ медицина асослари» номли китобини нашр этди. Ўзбек олими Н. Иноғомжоновнинг «Хитой халқ табобати асослари» деган дарслик китоби Тошкентда нашр этилди. Шундай қилиб, беморни игна билан даволаш усули Ўзбекистонда олтмишинчи йилларнинг бошида юзага келди. Иброҳимжон Орифжонов бу янги мутахассисликни Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб эгаллаган шифокорлардан бири эди.

Дарвоқе, игна билан даволашда фаол нуқталар, дедик, уларни қандай аниқлаш мумкин? Бу ҳақда асаб шифокорининг тажрибалари қандай?

ФАОЛ НУҚТАЛАР

— Сиз инсон вужудидаги сирли ва фаол нуқталарни қандай билиш мумкин, демоқчисиз-да? — Саволингиз ўринли, — Иброҳимжон ака бир пас хаёлга ботди-да, кейин суҳбатни давом эттирди.

— Шахмат тахтасида 68 та катак бор. 34 та оқ, 34 та қора. Шу жумладан, 16 та оқ фигура ва 16 та қора фигура бор. Ўйин жараёнида ишқибозлар минг-минглаб усулларни қўллаши мумкин. Мақсад — оқлар қорани, қоралар оқни мот қилиши шарт. Одам танасининг териси 1,6 — 2 квадрат метрни ташкил қилади. Уни оқ чойшабдай ёзиб қўйилса, худди шахмат тахтасидаги оқ-қора доғлар гавдаланади. Хитойча Инь ва Янь — иссиқ ва совуқ мижозли фаол нуқталар бор. Унда Хитой халқ табобати китобларида одам танасида 350 дан 700 гача биологик фаол нуқталар борлиги аниқланган. Кейинги ўттиз йил давомида бир қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилди.

Инсон танасида янги фаол нуқталар топилди. Эндиликда, уларнинг сони мингдан ошди. Булар қулоқ супрасидаги майда нуқталардир. Қулоқ супрасидаги ўзгаришлар ички организм касалликларини аниқлашда ёрдам беришини дунё олимлари исботлаб беришди.

— Игна турлари ва уларни санчиш усули қандай?

— Аввало, игна турлари ҳақида шуни айтмоқчиман: игна соф тилла, пўлат, кумуш ва мис аралашмасидан тайёрланади. Хитойда сурункали касаллар учун киндикдан юқорисига тилла игна қўлланилади. Иссиқ мижозли беморларга эса мис ва кумуш аралашмасидан тайёрланган игналар қўйилади. Аъзолардаги касалликларга узоқ таъсир этиш учун қулоққа майда ниначалар санчилади.

Шу ўринда бир фикрни айтмоқчиман: Сиз игнада қандайдир сирли қувват бўлса керак, дедингиз. Игнада бирон-бир қувват бор-йўқлигини ҳали ҳеч ким билмайди. Бу муаммони ҳали бирор киши ечган эмас. Аммо танада қўзғатувчи ва тинчлантирувчи фаол нуқталар борлигини асаб шифокори яхши билади. Бу танага нина урилиши билан қўлига белги беришида сезилади.

— Игна билан даволовчи дўхтир хатога йўл қўйиши мумкинми?

— Ишда хато қилмайдиган одам йўқ. Айтайлик, деҳқонлар хато қилса, хирмондан ютқазади, бу халққа зарар, у ўз хатосини иккинчи йили тузатади. Математик хато қилса, болаларнинг миясини ачитади. Шифокор хато қилсачи? Беморни ё ўлдиради, ёки уни бир умр дардманд қилиб қўйиши мумкин. Игна билан даволовчи асаб шифокори ҳам жиддий хатога йўл қўйиши турган гап. Масалан, танадаги бир-бирига зид бўлган нуқтага у игна санчиб қўйса борми, иш чаппасига айланади. Беморнинг боши айланиб, кўзи тиниб йиқилади, ҳарорати кўтарилади, ёки танаси муздай қотиб қолиши мумкин. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун асаб шифокори игна санчиш қоида ва қонунларини яхши билиши, кўпроқ мутолаа қилиши, беморнинг мижозини ўрганиши шарт.

Игна санчишнинг қонун-қоидалари Хитойда яратилган бўлса-да, бу муолажа ҳали фан сифатида тўла шаклланмаган. Дунё олимлари унинг илмий назариясини яратиш учун қизиқмоқда. Хитойда игна билан даволаш деярли ҳар бир хонадонда йўлга қўйилган. Ўғил отадан, қиз онасидан бу касбни мерос қилиб олади. Бундай халқ табобатининг самаралари ҳақида Хитойда 200 жилддан ошиқ китоб ёзилган. Оврупо ва Туркистонда эса ҳали бу ҳақда на дарслик, на қўлланма яратилган. Борлари ҳам умрондан бир томчи, холос.

Унинг фикрини бўлдим: — Игна санчишдан олдин беморга диагноз қўйиладими? Бу соҳада Сиз кўпроқ нималарга эътибор берасиз.

— Мен беморнинг юриб келишига қараб диагноз қўя оламан. Бунинг белгилари бор: бемор келаётганда танаси орқа ёки ёнбошга эгилади, қадамининг катта ё кичиклиги, эҳтиёткор ёки эҳтиётсизлиги... буларнинг ҳаммаси танадаги аниқ белгиларидир. У билан гаплашаётганда эса юзи, қовоғи, кўзининг нури, эшитиш қобилияти, нафас олиши... булар диагноз қўйишга хизмат қилади.

Ҳаётда кўпинча врачлар хатоликларга йўл қўяди, инсон ҳаётига бефарқ қарашади. Бошқалар йўл қўйган хатоликларни асаб шифокорлари тузатади. Бундай воқеалар менинг ҳаётимда ҳам кўп бўлган.

Иброҳимжон ака бир лавҳани ҳаяжон билан ҳикоя қилди. Бу воқеа 70-йилларнинг бошида бўлган эди. Хоразм вилоят Шовот туманида жамоа раиси Отажон Хидиров оғир дардга чалинди. У Кавказ, Москва, Ленинград ва Тошкентда даволанди. Шифо топмагач, Хоразмга қайтди. У Иброҳимжон Орифжоновнинг игна билан даволашдаги ишларини бошқалардан эшитди. Ниҳоят, уни чақиртирди.

Уша пайтлари И. Орифжонов меҳнат таътилига чиққан эди. У Шовотга борди. Касални обдон кўздан кечирди. Терилари бўшашиб, руҳи тушиб кетган, бир қўл ва оёғи бутунлай ишламайди. Лекин иштаҳадан қолмаган. Демак, руҳий касалликка чалинган. Уни игна билан даволаш мумкин. Шундай хулосага келганди у.

Беморни туман касалхонасига келтиришди. Раҳбарлар уни даволаш учун Орифжоновга ҳамма шароитни яратиб берди. Иброҳимжон беморни оёққа турғазиши шарт. Бунинг учун танани жисмоний жиҳатдан ҳаракатга келтириши даркор. Қандай қилиб? Аввало, оёқни ишлатадиган мослама тайёрлади. Қўлга тортиш учун резинкали бир асбоб ясади, беморни турғазиб, мувозанатини тутиш учун яна бир мосламани юзага келтирди. Ҳар куни шу мосламаларни ишга солиб, уни бадан тарбия қилиб борди. Фаол нуқталарга тилла игналарни санчарди. Шундай қилиб, унинг муолажалари 15 кунда ўз самарасини бермай қолмади. Бемор оёққа турди...

Иброҳимжон ака суҳбатда бошқа бир врачнинг йўл қўйган хатосини тилга олди. «Ташминвода»га Ольга Петровна деган аёлни келтиришди. У бутунлай ориқлаб кетган эди. Икки ойда 25 кило озибди. Сабаби нима? Орифжонов уни обдон текширди. Маълум бўлишича, касалхоналардан бирида аёл игна терапияда даволанган. Мутахассис унга нотўғри диагноз қўйган. Яъни, бошқа нуқталарга игна санчган. Натижада, беморнинг дарди оғирлашган, иштаҳаси бўғилиб, бутунлай ориқлаб кетган. Орифжонов уни ҳам 15 кунда оёққа турғазди. Шу орада бемор 10 килограммга семирди. У Орифжоновга раҳмат айтиб ҳаётга қайтди.

Иброҳимжон ака Орифжонов лабораториясида яна қандай ижодий изланишлар, тажрибалар бор?

НАВО — ШИФО

Чақалоқ дунёга келади. Еттинчи осмон нафасидай пок ва беғубор. Нуроний қария унинг қулоқларига азон айтади. Муносиб исм қўяди унга. Чақалоқ биринчи марта она овозини эшитади, кўзларини унга тикиб мағрур боқади, бешикда она алласидан ором олади, уйқуга кетади.

Алла куйи билан қушиғини эшитган бемор ҳам беғубор болаликка қайтади, роҳатланади. Айниқса, қадимий мунгли куйларни тинглаганида бемор қанчалик лаззат олади, беихтиёр уйқуга кетади.

Иброҳимжон ака беморларни мусиқа билан сеҳрлаб ухлатишни Кашпировскийдан 15 йил олдин бошлаган эди. Ер юзида ҳозир 20 фоиз одам уйқусизлик касалига дучор бўлган. Унинг нияти мусиқа сеҳри билан одамларни даволашдир.

Шифо ато этувчи мусиқа матнларини ўзи ёзган. Уларни бир неча йил олдин диктор Туйғуной Юнусхўжаева қотириб ўқиган эди. Уша пайтлари Ўзбекистон жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Й. Раҳимжонов Орифжоновнинг «Наво — даво»сини эшитиб қаттиқ таъсирланган ва ширин уйқуга кетган эди.

Иброҳимжон аканинг ширин орзуларидан бири — «Наво — даво»ни оммавий пластинка қилиб чиқариш. У 45 йилдан бери игна санчиб беморларни даволайди. Ҳозирга қадар унинг қўлидан 45 минг киши ҳаётга қайтгани жамият бахтидир.

Собиқ СССРда 1976 йили Бутуниттифоқ игна терапеяси очилди. Айни вақтда Санкт-Петербургда махсус лабораторияда 22 киши ишлайди, холос. Ўзбекистонда тиббиёт институтларида игна терапияси бўйича махсус куллиёт ёки бўлимлар ҳанузгача очилмаган. Бу соҳада махсус мактаб ва техникумлар очиш, эҳтимол, мақсадга мувофиқдир. Фақат врачлар малакасини ошириш институтида очилган қисқа курсларни ҳисобга олмаганда, бу соҳага эътибор йўқ. Ўзбекистон жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу ҳақда ўйлаб кўрса кони фойда бўларди, деб ўйлайман.

— Бемор, — дейди Иброҳимжон ака, — игна билан даволанишига ишонса, шифокорга эътиқод қўйса, қилинган муолажадан у наф кўради.

Ҳозирча игна фалсафасига нуқтали вергул қўйсак бўлар. Негаки, бу хусусдаги фикрларга нуқта қўйишга ҳали эрта.

Ашур Али АҲМАД ўғли.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ҚИРҚ БИР ЙИЛ САБОҒИ



Педагоглик меҳнати машаққатли, касбларнинг мураккаби, умрнинг эгови, бироқ унинг нони тотли, меваси умрбоқийдир, дейди кексалар. Ана шу машаққатли меҳнат бошида туриб, эртанинг етук кишисини, заминнинг эгасини тайёрлаб бераётган, бутун умрини шу йўлда сафарбар этган муаллимлар жумҳурият педагоглари орасида кўпчиликни ташкил этади.

Абдусамат Носиров ҳам ҳаётини фарзандлар тарбиясига бағишлаган фидойи инсонлардан. Унинг меҳнат дафтарчасига назар солинса, ана шу касбни танлаб, маорифнинг турли поғоналарида бўлишидан қатъи назар фақат таълим, тарбия учун масъулликни зиммасига олганига ҳам қирқ бир йил тўлганлигининг гувоҳи бўлади киши. Бироқ у ўтган даврдан, умрининг энг ширин онлари чеккан машаққатлардан, ҳатто Мирзачўлни ўзлаштиришдаги ўша кезларда ертўлаларда ўқувчиларни ўқитгани-ю, умуман, тортган азобларидан нолимайман. Чунки у муаллим. Ўша даврдаги машаққатлар туфайли майдонга чиққан шогирдлари бугун турли вилоятларда, ҳатто жумҳуриятдан ташқари шаҳарларда туриб жамиятни янгилашга, янги давлатнинг пойдеворини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Камтарин муаллим эса улар билан доимо фахрланади.

Дарвоқе, Абдусамат Носиров шу кунларда олтмиш ёшини қаршилаётган бўлса-да, ҳамон педагоглар сафида. Ёшларга мураббий, кексаларга эса ҳамфикр, маслаҳатгўй.

— Янгийўлдаги 14-ҳунар-техника билим юртимизда тажрибали, ишбилармон педагог-мураббийларимиз жуда кўп, — дейди илмгоҳ директори Б. Султонов. — Аммо Абдусамат ака сингари кўпни кўрган, мураббийлик сир-асрорини яхши билганлари нафақат илмгоҳимизда, балки бутун вилоятимизда камдан-кам учраса керак. Ўн етти йилдирки, у киши билим юртимизда ёшларга химия-биология фанидан дарс бериб келадилар. Ўтган йилларда неки ютуқни қўлга киритган бўлсак, бевосита у кишининг ҳиссалари катта эканлигини эътироф этолмайман...

Биз билим юртида бўлиб, Абдусамат акани суриштирганимизда ҳам у киши талабалар билан қизғин мунозаралар олиб борар, танаффус бўлишига қарамай, уларнинг ҳеч бири синфхонани тарк этишга шошилмасди. Илмгоҳда хонани безаш, ўқув қуроллари, кўргазмали дастурлар билан илм толибларини таништиришда ҳам Абдусамат ака илғорлардан эканлиги яққол сезилиб турарди.

— Талабаларга ҳунар ўргатиш билан бирга фан ютуқларини ҳам мукаммал ўргатиб бормасак икки ўртада узилиш бўлиб, ўқувчилар анчагина орқада қолиши мумкин, — дейди Абдусамат ака.

— Илм даргоҳимизга ҳар хил ёшлар ҳунар ўрганганини, билим олгани келишади. Демакки, шундай бир пайтда биз мураббийлар бунга аҳамият бермасак... кейинини ўзингиз тушуниб олаверинг.

Ҳа, Абдусамат аканинг асосий мақсади, қолаверса, ёшликдан танлаган асосий орзуси ҳам ёшлар, улар билан ишлаш, таълим бериш эди.

У бу йўлни танлаб кам бўлмади. Ўтган меҳнат фаолиятида ҳукуматимизнинг бир неча бор ёрлиқлари, раҳматномаларига сазовор бўлди.

Абдусамат ака оилада ҳам кўпчилик ҳавас қилса арзигулик оталардан. Ўн икки фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Улар ҳам ота изидан бориб жамият учун ҳалол меҳнат қилишмоқда, айримлари эса отаси каби ёшларга сабоқ бераяптилар.

Мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: Ангрен шаҳридаги 17-мактабнинг 3-синф ва битирувчи синф ўқувчилари акс эттирилган. Мазкур мактабда ўз ишининг фидойиси бўлган педагоглар меҳнат қилишмоқда. Юқоридаги суратда Ҳабиба Қаҳҳорова 3-синфда дарс ўтаётгани тасвирланган. Пастдаги суратда эса ўқитувчи Фарҳод Исомиддинов битирувчи синфда машғулот ўтказаётган дақиқалар акс эттирилган.

Суратқаш Г. КАЗЕННОВ.

Рақамлар сеҳри

УЧДАН КЕЙИН ПУЧМИ?

Халқ оғзаки ижодиётида уч рақамига бу қадар эътиқод қўйилишининг сабаби, ибтидоий тузумда истиқомат қилган одамларнинг саноқ усулларига боғланар экан. Саргузашт ишқибозлари бўлган сайёҳларнинг гувоҳлик беришларича, фақатгина учгача санашни биладиган, яъни ҳисоб-китобда бир, икки, уч сонлари билангина чекланадиган қабилалар ўтган асрнинг охиларигача сақланиб қолган экан. Шундай «ҳисобдон» қабилалардан бири абипонлардир. Жанубий Америкада яшаган абипонлар қабиласи XIX асрнинг охирларида испан мустамлакачилари томонидан ваҳшийларча қириб ташланган. Бу фожиадан сал аввалроқ меҳмондўст ва бағрикенг абипонлар орасида қисқа муддат яшаган машҳур сайёҳ ва олим Б. Добрицгоффер бу «ўрмон одам»лари ҳаётига оид ғоят қизиқарли маълумотларни тўплашга муваффақ бўлган эди.

Кунлардан бир куни сайёҳ бир гуруҳ абипон оқсоқолларининг олдига ўнта буғдой донини қўйиб, санаб беришларини илтимос қилди. Улар учта донни амаллаб санаганлар, донлар сони ўнтадан ошганда, оқсоқоллар нима дейишларини билолмай, каловланиб қолишади. «Бир, икки, уч»ни ҳеч қийналмасдан айтган абипонлар ҳисобини йўқотиб қўйиб, индамай тураверишган. Ёввойи одамларнинг айримлари бош оғриғини баҳона қилиб, секингина жуфтакни ростлаб қолишган. Энг «доно»лари эса обдон ўйлаб кўргач, «кўп» ёки «сон-саноқсиз» деб ҳисоб қилишган.

Оддийгина ҳисоб-китобниям билмайдиган абипон овчилари сафарга отланаётиб, кўп сонли итларидан бирортаси йўқлигини осонгина пайқаши сайёҳни ажаблантирган. Маълум бўлишича, қабила ҳаётида, умуман, бирор нарсани санашга эҳтиёж сезилмас экан. Шу боис абипонлар болаларига ҳисоб-китоб «илми»ни ўргатишга одатланмаганлар. Ҳатто қабила оқсоқоллари ҳам сафардан қайтган овчидан нечта жонивор овлаганини эмас, балки ўлжа қанча жойни эгаллашини билиш билан кифояланишар экан.

Маълумки, тараққиётнинг қуйи босқичидаги қабилаларда икки ёки учта рақамдан иборат саноқ системаси қўлланилар экан. «Уч» сони охирги рақам, яъни саноқнинг чеки ҳисобланган. Ҳали бармоқларини санашни ўрганмаган қабилаларда учдан юқори миқдор тушунчаси «кўп» сўзи билан ифодаланар экан. Инсоният тарихининг тетапоя даврларида уч сони узоқ вақт саноқнинг чеки вазифасини бажарган кўринади. Энди ўн бармоғини ҳам санай олмайдиган, ҳисоб-китобдан мутлақо бехабар абипон овчиси бир гала итларини қандай қилиб «саналанлигига» келсак, бу ҳам ибтидоий турмушда одат тусига кирган бир анъанага боғлиқ экан. Қадимги одам бир тўрдаги нарсалар ва ҳодисаларни бирор муҳим белгиси, масалан, ҳажми, ранги ёки тусига кўра фарқлар экан. Абипон овчиси итларини турли хил белгиларига қараб, масалан, оёғида оқи бор ит, қора ит, бирор маросим мавсумида туғилган ит каби белгиларига кўра ажратар экан.

Ҳикоямиз бошида болалар ўйинидан келтирилган иборада ҳам уч рақами маълум ҳаракат ёки ҳолатнинг чегарасини, муайян нуқтасини англатади. «Бир, икки, уч, учдан кейин — пуч» айтими қадимги саноқ усулининг болалар ўйин фольклори текстига айланиб қолган кўринишидир. Қадимги одам бир, икки, учгача санаб, ўндан катта миқдорнинг рақам белгисини тополмай, «кўп» сўзини қўллагани каби, болалар ҳам ўйин чоғида учдан сўнгги рақамни «билолмай», «пуч!» — деб қўя қолишган.

Демак, аждодларимиз тасаввуридаги миқдор тушунчаси дастлаб «бир, икки, уч» ёки «бир, икки, кўп» тарзида намоён бўлган. «Ўч» рақами саноқдаги охирги рақам бўлгани учун одатда «кўп» тушунчасини ўзида мужассамлаштирган эди. Шу боис қадимги Миср ёдгорликларидаги миҳхат усулида битилган обидаларда ҳам кўп тушунчаси учта чизиқли, яъни III белгиси билан ифодаланган.

Саноқ системаси ривожланиб, ҳисобда янги усулга — бармоқлардан фойдаланишга ўтилгач, ибтидоий одамнинг миқдор ҳақидаги тушунчалари ҳам кенгаяди. Аввалари сон-саноқсиз бўлиб туюлган дарахтлар, ҳайвонлар ва иш қуролларини санаш имконияти пайдо бўлган. Бора-бора «уч»дан катта рақамларни муайян атамалар билан аташга ўтилгач, қачонлардир саноқда охирги сон вазифасини бажарган «уч» ўзининг анъанавий мавқеини йўқотади. Аммо турмушда, маданият ёдгорликларида, маросимларда ва фольклор асарларида маълум тушунчаларни ифодалашда «уч»ни саноқнинг чеки сифатида тушуниш анъанаси сақланиб қолаверган.

Давроқе, ҳалиям «учдан кейин пуч» ибораси ҳақида ўйлаяпсизми, муҳтарам муштарий? Чиндан ҳам «учдан кейин пуч» эмас экан. Саноқ усуллари ривожланиб, ҳисобда янги рақамларни ишлатишга ўрганган қадимги одам ҳам кунлардан бир куни учдан кейин — пуч... эмаслигини пайқаб қолган. Учга бирни қўшишдан ҳосил бўлган «тўрт» сони боболаримизнинг ҳисоблаш имкониятларини бирмунча енгиллаштирган. Энди мўъжизалар тожи «уч»нинг акахони бўлмиш «тўрт»нинг бошига кийгизилган эди. Шуниси ғалатики, саргузаштлар бобида «тўрт» рақами ҳам ўз «укаси» учдан скраям қолишмайди. Боболаримиз айтишганидек, учдан кейинги рақам — тўрт сони асло пуч эмас, ичи тўла мўъжиза экан.

Маматқул ЖУРАЕВ.

«ХАЛҚ ТАЪЛИМИ» САҲИФАЛАРИДА

«Халқ таълими» журналининг 1993 йилдаги биринчи сони босмадан чиқди. Унинг илк саҳифаси журналхонларга мурожаат билан очилади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган мамлакатлар халқ таълими вазирларининг Тошкентдаги «Ўқитувчилар уйи»да бўлиб ўтган маслаҳат учрашуви ҳақидаги ҳисобот «Тараққиётни таъминлаш — бош мақсад» сарлавҳаси остида эълон қилинган.

Журналнинг ушбу сонида ўқитувчилар ўзларини қизиқтирган талай саволларга жавоб олишлари мумкин. Бу жиҳатдан «Бозор иқтисодиёти даврида тарбиянинг мақсад ва вазифалари», «Матн мутолааси дидактикаси», «Замонавий дарс муаммолари», «Жадидчилик ва унинг моҳиятини ўрганиш», «Йўналтирилган таълим», «Кимёвий боғланиш мавзусига оид масалалар ечиш» каби мақолалар уларда муайян қизиқиш уйғотиши табиий.

Журналда чоп этилган шу ва бошқа мақолаларга ўз муносабатларини билдирмоқчи бўлган муштарийларга эслатиб қўймоқчимиз. «Халқ таълими» журнали ўқитувчилар билан яқинроқ алоқада бўлиш учун Тошкентдаги «Ўқитувчилар уйи»га кўчиб ўтди. Унинг манзилгоҳи: 700027, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 80-уй, 1-қават, 112-хона.

Хатларингизни, ташрифингизни кутамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА ҲТБЮ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР ОЛИМПИАДАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ёш ҳуқуқшунослар олимпиадасини ўтказади.

Низомга мувофиқ олимпиада умумтаълим мактабларининг 9—11-синф ўқувчилари ва ҲТБЮнинг 1-курс ўқувчилари орасида бир неча босқичларда ўтказилади:

— биринчи босқич: синф ва мактаб (ҲТБЮ) миқёсида. Январь ойида мактаб метод бирлашмалари томонидан ишлаб чиқилган вазифалар асосида ўтказилади. Олимпиаданинг дастлабки босқичида ҳамма хоҳловчилар қатнашиши мумкин;

— иккинчи босқич: район ва шаҳар олимпиадалари ўтказилади. Олимпиаданинг иккинчи босқичи февраль ойида, район, шаҳар метод кабинетлари ишлаб чиққан вазифалар асосида, ВЎМОИ тайёрлаган тавсияномалар бўйича ўтказилади. Унда мактаб олимпиадалари ғолиблари иштирок этадилар;

— учинчи босқич: вилоят олимпиадалари. Март ойининг биринчи ўн кунлигида, вилоят ташкилий қўмиталари ишлаб чиққан вазифалар асосида ўтказилади. Вилоят олимпиадасида район, шаҳар мактаб ва билим юртлари ғолиблари қатнашадилар;

— тўртинчи босқич: республика олимпиадалари. Ўқувчиларнинг баҳорги таътил кунлари дан мартгача, республика ташкилий қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган вазифалар асосида ўтказилади.

Олимпиаданинг биринчи учта босқичи турли хил тарзда ўтказилиши мумкин: ёзма ишлар, суҳбат, викториналар (савол-жавоблар) ва бошқ. Топшириқлар шакли ва мазмунини жойлардаги ташкилий қўмиталар ва жюри аниқлаб беради.

Олимпиаданинг сўнгги Республика миқёсидаги босқичи уч турда, ҳар бир синф бўйича алоҳида ўтказилади.

БИРИНЧИ ТУР — ЁЗМА ИШ

Ҳар бир иштирокчи топшириқлар ёзилган варақа олади ва 2 соат ичида уни бажариши лозим. Вазифалар «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик асослари» курслари бўйича дастур тарзида материалларга мувофиқ, тестлар тарзида тузилади. Ундан ташқари, топшириқлар варақаси шундай саволлардан иборат бўлиши керакки, у саволларга аниқ «Ҳа» ё «Йўқ» ёки асослаб жавоб бериш зарур бўлсин.

Ўқувчилар ёзма иши қуйидагиларни намоён қилиши зарур:

— ўқув материалини билиш (дастур материаллари);

— топшириқлар ва тест вазифаларини тўғри бажариш;

— жавобларнинг лўнда ва аниқлиги;

— қўшимча материалларни ишлата билиш.

ТАХМИНИИ ТЕСТ ВАЗИФАЛАРИ

1. Ҳуқуқ меъёрлари нима учун керак?

а) қонунни билиш ва уни бузмаслик учун.

б) одамларнинг ҳар қандай биргаликда олиб борадиган фаолиятларининг маълум тартиб-қонунларига риоя қилмаслигининг иложи йўқ.

в) ҳуқуқ меъёрларига риоя қилган тақдирда ҳамма инсонлар ростгўй ва адолатли бўлади.

2. Виждон бу:

а) инсоннинг ўз-ўзини маънавий жиҳатдан назорат қилиб туриш хусусияти.

б) материал тушунчага зид бўлган фалсафий мушоҳада.

в) ҳаётда рўёбга ошмайдиган фикрлаш тарзи.

3. Ўзбекистон иқтисоди асосини ташкил этади:

а) давлат мулки.

б) турли соҳадаги мулк.

в) хусусий мулк.

ИККИНЧИ ТУР — РЕФЕРАТЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ЁҚЛАШ

Реферат (уй вазифаси сифатида) уй вазифасидек якка тартибда, ҳар бир иштирокчи томонидан тайёрланади ва олимпиадага келган заҳоти ташкилий қўмитага топширилади.

Реферат қуйидагиларни намойиш қилмоғи керак:

— ўқувчилар танланган мавзунинг мазмуни ва саволларини билиши;

— қўйилган муаммоларнинг мустақил ҳал қилиниши;

— мавзунинг муфассал ёритиб берилиши;

— қўшимча материал, манбаа ва тадқиқотчилик ишлари натижаларидан фойдалана олганлик.

Реферат мазмуни ўқувчиларнинг ҳуқуқшунослик масалаларига оид ижодий қобилиятини ва малакасини кўрсатиб бериши керак.

Рефератларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга оид фикрларни баён этиш мумкин. Агар рефератни тайёрлаш ва ёқлашда болаларнинг ўз қўллари билан қилинган кўргазмали материаллар ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Реферат саводли ва озода ёзилиши шарт. Рефератни баҳолашда унинг жиҳозланиши ҳам ҳисобга олинади.

РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

9-СИНФ

1. Конституция — мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясида инсон ҳуқуқлари.

3. Ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойиллари.

4. Қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи давлат органлари.

5. Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди, унинг вазифа ҳамда ваколатлари.

6. Одил судловни таъминлашда адвокатуранинг ўрни.

7. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими.

8. Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий хусусиятлари.

9. Ўзбекистон Республикасида президентлик бошқарувининг моҳияти ва мазмуни.

10. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси.

11. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари.

11-СИНФ

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларациянинг асосий белгилари.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусиятлари ва аҳамияти.

3. Жиноятчиликка қарши кураш ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда ички ишлар органлари.

4. Жиноят ҳуқуқида жиноятчилик ва жазо бериш тушунчаси. Жиноий жавобгарликда ёш масаласи.

5. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятнинг бўлиниш тамойиллари.

7. Фуқаролик аҳволи ҳамда никоҳ-оила қонунчилиги актлари.

8. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминловчи қонунчилик актлари ва органлари.

9. Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва оиланинг ҳуқуқий асослари.

10. «Мулкчилик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

11. Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойиллари.

* Мазкур реферат мавзулари ҲТБЮ учун ҳам қўлланилади.

Ўқувчилар ўзларининг қизиқишига кўра, ҳуқуқга оид истаган мавзуларини танлашлари мумкин.

Рефератлар ҳакамлар ҳайъати томонидан беш баллик тизим бўйича олдиндан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Рефератлари «5» ва «4»га баҳоланган ўқувчилар рефератни ёқлашга қўйилади. Рефератни ҳимоя қилиш учун 7—10 минут ажратилади.

Рефератлар қуйидагиларни намоён қилиши зарур:

— масала моҳиятини мантиқан ёритиб бериш;

— масалани ёритишда таҳлил қилиш қобилиятини кўрсатиш;

— мавзуни илмий-оммабоп ва равон тилда ёритиш;

— масала моҳиятини ёритишда ижодий фикрлаш қобилиятини кўрсатиш.

ЁЗМА ИШ ВА РЕФЕРАТЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Олимпиада ҳамма вазифаларининг бажарилиши беш баллик тизим бўйича баҳоланади.

«5» балл билан савол ва муаммолар моҳияти ва ечимини тўла очиб берувчи ва ўқувчиларнинг мустақил фикрини намоён қилувчи реферат баҳоланади.

«4» балл билан мавзунинг моҳиятини етарли даражада тўла очиб беролмаган жавоблар баҳоланади.

«3» балл билан ўқувчилар билими фақат ўқув материали билангина чегараланган реферат, ёзма вазифа эса фақат 50 фоизга тўғри бажарилган бўлса баҳоланади.

«2» балл билан мавзу моҳиятини очиб беролмаган рефератлар ва 30 фоизга тўғри бажарилган ёзма ишлар баҳоланади.

III турга биринчи икки турда энг кўп баллар миқдорига эга бўлган болалар қўйилади. III турга қўйилган ўқувчилар билан якка тарзда ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан оғзаки суҳбат ўтказилади.

Суҳбат давомида хоҳловчилар қатнашишлари мумкин. Суҳбат натижалари қуйидагиларни намоён этиши зарур:

— ўқувчиларнинг дарсда ва дарсдан ташқари вақтда ҳуқуқшунослик бўйича тўплаган билимларини ишлата билиш;

— муаммоли вазиятларда зудлик билан йўл топа билиш.

УЧИНЧИ ТУР — ТЕСТ БИЛАН ИШЛАШ

Бу тур I ва II тур ғолиблари ўртасида ўтказилади. Ҳар бир қатнашчига 10 та тестли варақачалар берилади. Ҳар бир тестда фақат битта тўғри савол танлаш зарур.

ТЕСТЛАР БЎЙИЧА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Ҳар бир тест бир балл билан баҳоланади. 10 та тестга тўғри жавоб берган ўқувчи 10 баллга эга бўлади.

ТЎРТИНЧИ ТУР — ОҒЗАКИ СУҲБАТ

Қатнашчилар бир хил баллга эга бўлиб қолган ҳолда, ғолибларни аниқлаш мақсадида улар орасида оғзаки суҳбат ўтказилади.

СУҲБАТ МАВЗУЛАРИ

1. Меҳнат ҳақидаги қонунга риоя қилишни назорат этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқиш асослари.

3. Ўзбекистон Республикасида табиатни қонуний муҳофаза қилиш ва шу масалани амалга оширувчи органлар.

4. Ҳуқуқ, маънавият, дин.

5. Ўқувчининг ўқишдан бўш вақтидаги меҳнати.

6. Балоғат ёшига тўлмаганларнинг жиноят содир бўлиши ва маъмурий қонунбузарлик учун жавобгарлиги.

7. Ўқувчиларнинг табиатни муҳофаза қилиш ишида қатнашиши.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР БЎЛИМИ.

МАКТАБШУНОСЛИККА БАҒИШЛАНГАН ҚЎЛЛАНМА

А. Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти томонидан чоп этилган Ҳикматулла Абдуллаевнинг «Мактабшуносликнинг долзарб масалалари» китоби республикамизда маориф ва мактаб ишини яхшилаш, ёш авлодни ҳар томонлама етук кишилар қилиб тарбиялаш ишида маориф ва мактаб раҳбарлари учун муҳим қўлланмадир. Унда мактабни бошқаришдаги муаммолар, бошқарув идораларининг тузилиши, мактабнинг таълим-тарбия ишларини бошқариш, унга раҳбарлик қилиш, раҳбар ва ўқитувчи кадрлар, мактаб директори, илмий ишлар бўйича ўринбосари, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича муовинининг вазифалари аниқ ҳамда атрофлича ёритиб берилган. Булар ҳар бир раҳбарга ўз фаолиятини аниқ бажаришида имконият яратади, йўл-йўриқ кўрсатади.

Китобнинг ўқиш, ўқитиш ишларини текшириш ва йўл-йўриқ кўрсатиш бўлимида маориф ходимларига методик ёрдамлар тавсифланган. Тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш, уни юқори поғонага кўтариш шу куннинг долзарб масаласидир. Бу борада қўлланмадаги «Тарбиявий ишларни ўрганиш ва текшириш» бўлими катта аҳамият касб этади. Шунингдек, таълим-табрия ишларини тўғри йўлга қўйиш масалалари «Методик ишларни яхшилаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш юзасидан қилинаётган ишларни текшириш» бўлимида батафсил ёритилиб, самарали ишлаш йўллари кўрсатиб берилган.

Қўлланмада синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларга раҳбарлик, ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш, ўқув-тарбия ишининг ички назорати каби масалалар ҳақида ҳам кенг фикр юритилиб, маорифчилар учун йўл-йўриқлар кўрсатилади.

Бироқ китобда, фикримизча, мактабшуносликнинг айрим мавзулари четлаб ўтилган. Агар муаллиф «Ўқувчиларнинг мактаб ёшидаги психологик тайёргарлиги», «Мактаб кенгашини ташкил қилиш», «Мактабда мактаб Уставини тузиш», «Мактабдаги штат бирликлари» каби мавзуларни ҳам атрофлича ёритса, китоб яна ҳам тўлақонли бўларди.

Муҳим қўлланма оз миқдорда (фақат 1000 нусхада) чоп этилгани ҳайратлантиради кишини. Бизнингча, Ҳ. Абдуллаевнинг «Мактабшуносликнинг долзарб масалалари» китобини янги бўлимлар билан тўлдирган ҳолда тезроқ кўп нусхада чоп этиш зарур. У барча маорифчиларимизга муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади, албатта.

Г. ҚАМБАРОВА,
республикада хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими.

И. ИСМОИЛОВ,
республика халқ маорифи аълочиси.

ХАЛҚ МЕРОСИ — ХАЗИНА

ТЕЗ АЙТГИН-У, ТЕЗ ГАПИР

Ўзбек халқ оғзаки ижодида болалар учун ижод қилинган қимматбаҳо маънавий бойликлар ёшириниб ётибди. Келажагини, истиқболини ўйлаган ўқувчи уларни ўзлаштириб олиши керак. Эртак, қўшиқ, топишмоқ, саноқ, тез айтишлар буюк ота-бувиларимиз қолдирган улкан маданий мероси ҳисобланади. Эртак, мақол, латифалар болаларни ҳамкорлик, ўртоқлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, билимдонлик каби инсоний фазилатлар билан зийнатламоққа хизмат қилса, қўшиқлар орқали улар илк бор бадиий оламга кириб боради. Топишмоқлар фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, тез айтишлар эса нутқдаги товушларни бузиб талаффуз этиш ҳолларига барҳам беради.

Шунингдек, тез айтишлар ўқиётганда хаёлни бир жойга йиғишга ўргатади, тез айтганда жумладаги мантиқий урғуни аниқлаб олиш қобилиятини ўстиради. Шуларни назарда тутиб, тез айтишлардан баъзи намуналар келтирамиз:

1. Олти жуфт оқ чинни чойнакка тўрт жуфт кўк қопқоқ, тўрт жуфт кўк чинни чойнакка олти жуфт оқ қопқоқни ёпса бўладими?

Буни ҳам тез айтинг, айни пайтда тўғри, мантиқий фикрланг, яъни жавоб қайтаринг.

2. Икки айиқ қайиққа қаради: оқ айиқ олдин қайиқ қа қарадими, қора айиқ олдин қайиққа қарадими?

3. Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп. Бир туп тут, бир туп турпнинг томирини туртиб турибди.

4. Тян-Шань тоғининг тепасида трактор тормозини тортиб турган Турсун Тошпўлат тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққизта товуқ тухуми топширди.

5. Бу писта уста Муса кўса пистафурушнинг пистаси бўлса ҳам, у уста Муса кўса пистафурушнинг пистасидир. Бу писта уста Муса кўса пистафурушнинг пистаси бўлмаса ҳам, бу писта уста Муса кўса пистафурушнинг пистасидир.

Албатта, буларни яна давом эттириш мумкин. Ўқувчилар учун: «Алифбе». «Ўқиш китоби», «Ўзбек тили» дарсликлари, шунингдек, «Тонг юлдузи», «Ғунча», «Гулхан» нашрлари ҳам тез айтишларга бой манба ҳисобланади. Лекин булар билан чекланиб қолиш тўғри эмас. Бугунги кунда ўқувчиларнинг бадиий мулкига айланган Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Абдусаид Кўчимов, Сафар Барноев сингари болалар шоир ва ёзувчиларининг асарларидан ҳам мунтазам фойдаланиш зарур.

Норбек УСАНОВ.

АББОСИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИ ДОИРАСИДАГИ ПОДШОҲЛИКЛАР

Аббосийлар халифалигининг инқирози. Ал-Восиқ вафотидан кейин аббосийлар қудрати сўна бошлади, лекин ал-Мутаваккил халифалик доирасида ҳали ҳам бир қанча фирқаларни сақлаб келаётган эди. У оламдан ўтгач эса, халифалар соқчилар гуруҳи қўлида ўйинчоққа айланиб қолганлиги сабабли ҳокимиятни турк соқчилари эгалладилар. Худди шунинг учун ҳам олис вилоятлар назоратдан чиқа бошлашди. Уларнинг ҳокимлари ярим мустақил бўлиб, тез орада ўз сулолаларини вужудга келтирдилар. Кейинчалик сулолалараро низолар бошланиб кетди, бундан халифалик доирасида салжуқийлар, туркларнинг ёки ғазнавийлар каби ўзларининг йирик империяларини ташкил этган четдаги кишилар ҳам фойдаланмай қолмадилар. Миср ажралиб кетди, унинг ҳокимлари эса мустақил подшоҳлар бўлиб қолишди. Ғайритабиий, кўпинча зарарли ғояларни кўтариб юрувчи кишилар, масалан исмоилийлар, карматийлар махфий ҳаракатлари билан Ислом негизларига путур етказдилар. Айни бир пайтда жаҳон тарихидаги бу катта давр юзлаб йиллар мобайнидаги куч-ғайрат натижасида вужудга келтирилган ҳамма нарсани йўқ қилган мўғилларнинг даҳшатли босқинчилиги билан якунланди. Ушбу боб-да ал-Мутаваккил вафотидан (861 йил) Бағдоднинг таслим бўлишигача (1258 йил) давом этган вақт тарихидан ҳикоя қилинади.

Ал-Мутаваккил ворислари — ал-Мутамид (870—892-йиллар).

Мутаваккил ўлдирилгандан кейин турк соқчиларининг зобитлари аввалига бирин-кетин Мутаваккилнинг ўғилларини тахта ўтқаздилар, лекин уларнинг ҳеч бири узоқ сақланиб қололмади. Шунда улар шаҳзодаларнинг бошқа қариндошларини подшоҳликка кўтармоқчи бўлиб кўрдилар, бироқ уларнинг ҳам ҳеч қайсиси маъқул бўлмагач, ниҳоят, 870 йилда ал-Мутаваккилнинг кенжа ўғлини халифа деб жар солдирдилар. Янги халифа ал-Мутамид унвонини олди. Маълум вақтгача Самара халифалар қароргоҳи бўлиб хизмат қилиб келганди, ал-Мутамид эса эски масканда маҳкам ўрнашиб олган турк ҳарбий саркардаларидан қутулиш учун пойтахтни Бағдодга кўчиришга қарор қилди. Анча вақтгача бунга муваффақ бўла билди, бироқ бошқа офатлардан ҳам шу тариқа енгилгина халос бўлиши қийин эди. Миср ҳокими Аҳмад ибн Тулун мустақиллигини маълум қилди. Бунга халифа моне бўлолмади, чунки ибн Тулун ғоят кучли шахс эди. Кўп ўтмай, истеъдодли киши Али ибн Муҳаммад бошчилигида Ироқдаги дарёларнинг қуйилиш қисми атрофида яшовчи қоратанли қуллар қўзғолон кўтардилар.

Занжирлар қўзғолони. Ўзларини занжирлар деб атаган бу одамлар бизнинг давримизда коммунизм номи берилган ғояларни илгари сурган эдилар. Улар инсонларнинг тўлиқ баравалигига, мулкнинг умумийлаштирилишига эътиқод қўйиб, динни қатъий равишда назар-писанд қилмасдилар. Улар, ниҳоятда мустаҳкам интизом туфайли тез орада салобатли қўшин тузиб, халифаликка қарши ҳужумни бошлаб юбордилар. 871 йили Басрани босиб олиб, талон-тарож қилдилар. Сўнгра шимол томон юришда анча ерларни қўлга киритдилар. Буни кўриб ал-Мутамид укаси ал-Муваффақ бошчилигида уларга қарши катта қўшин ташлади. У занжирларни енгган, бидъатчиларни ҳам бостирди. Шу пайтда форслар юртининг марказий қисмида ивгоарлик авж олиб кетди: илгари темирчилик қилган, босқинчилик билан шуғулланган Яъқуб ибн Лайс энди баъзи кучларга бош бўлиб чиққан эди. Бундай қулай имкониятдан фойдаланишга қарор берган византияликлар Сицилия орқали Шомга кириб боришди. Гарчи Миср ва Шом тулуний ҳокимларининг қўшинлари уларни дадил қарши олиб, чекинишга мажбур қилган бўлсалар-да, аббосий халифа византияликларнинг кучларини тўхтатишга ожизлик қилди.

Ал-Мутадид ва ал-Муктафий (892—908-йиллар). Ал-Мутамидни ал-Мутадид алмаштирди. Тулунийлар заифлашганликлари сабабли Миср ва Шом халифаликка қўшиб олинганлиги унинг подшоҳлигидан эсда қоладиган бирдан-бир воқеа бўлди. Ундан кейин ҳокимият тепасига келган ал-Муктафий даврида византияликлар яна ўзларига яқиндагина панд берган чегара туманларига ҳужум қилдилар. Қўшинни ал-Муктафийнинг ўзи бошқариб борди. Бу аббосий халифа учун сўнггги жанг бўлди. Ал-Муктафий насронийларни тор-мор келтириб, улар кетидан қувиб боришда йўл-йўлакай Кичик Осиёнинг жанубий-ғарбида жойлашган машҳур Адалия қалъасига ҳужум қилди. Унинг шаҳарни эгаллашига вақти йўқ эди, чунки орқа томонидан Исломнинг бошқа душманлари — бидъатчи карматийлар мазҳабининг вакиллари ҳамла қилиб келишаётганди. Бу даҳшатли одамлар Исломдан ажрaлиб чиқиб, унга жуда катта зарар етказиш билан мусулмонлар тарихида сезиларли из қолдирдилар. Улар хусусида алоҳида гап очиш мақсадга мувофиқдир.

Карматийларнинг келиб чиқиши. Улар шиа мазҳабининг мужоҳидлик йўналишини тарғиб қилишарди, бироқ юз йил мобайнида асосий мазҳабдан чиқиб, шу даражада тез-тез турланиб турдиларки, ҳатто уларни мусулмон санаш ҳам мушкул бўлиб қолди. Буларнинг барчаси шиалар ўртасида уларнинг олтинчи имоми ворисига нисбатан кескин қарама-қарши фикрлар келиб чиқишидан бошланган эди. Шуни ҳисобга олиш лозимки, ҳақиқий шиалар бутун мусулмон дунёсининг қолган қисми сингари суннийларнинг халифаларини Ислом раҳнамолари сифатида эътироф этмас эдилар. Шиалар Али авлодлари, жумладан Имом Ҳусайн бутун фикри-хаёли, амалий ишлари ва юриш-туришлари билан ўзларини Исломга бахшида этган ҳақиқий мусулмон йўлбошчилари бўлганликларига қатъий ишонардилар. Бундай авлодларни имомлар деб, аташарди. Олтинчи имом Жаъфар ас-Содиқ Карбалода азоблар ичида ҳалок бўлган Имом Ҳусайннинг буюк невараси эди; Жаъфар ас-Содиқнинг Исмоил ва Мусо исмли иккита ўғли бор эди. Уларнинг каттаси Исмоил отаси ҳаётлигидаёқ вафот этгани боисдан халқ Мусони еттинчи имом деб тан олди. Кейинчалик у Мусо ал-Козим номи билан машҳур бўлди. Лекин шиа мазҳабидаги кишиларнинг кўплари ёш жиҳатдан катта Исмоил еттинчи имом, унинг ўғли Муҳаммад эса саккизинчи имом бўлиши лозим. деган фикрни ёйдилар. Шу талаб шиаликни ҳозиргача давом этаётган, бир-бирига рақиб бўлган шохобчаларга парчалаб юборди. Исмоил давомчилари исмоилийлар сифатида ном чиқариб, ўзларини адолат юзасидан ҳақ деб билганлари ҳолда махфий фаолият олиб бордилар. Уларнинг кетма-кет алмашиб турган бошчилари бутун дунёда катта шов-шув кўтардилар. Бу раҳнамоларнинг биринчиси Кармат, иккинчиси — Кайравонда ўзини Маҳдий деб танитган ва фотимийлар давлатини барпо этган Убайдуллоҳ, учинчиси — ёлланма қотиллар ташкилотчиси Ҳасан ибн Сабоҳ халқ орасида Шайх ул-Жабал (Кекса тоғлиқ) номи билан маълум.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

КАСБГА ЙЎЛЛАШ ТАРИХИДАН

● Қасб-корлар кишилик жамияти юзага келиши билан баробар пайдо бўлган. XIX аср ўрталаридан бошлаб ёшларни касбга йўллаш бўйича илк тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, 1849 йили Францияда «Касб танлаш бўйича қўлланма» деган китоб босилиб чиққан.

● Инглиз психологи Ф. Гальтон эса 1883 йилда эълон қилган рисоласида киши қобилиятини баҳолашда тест, яъни ақлий фаолиятни аниқлаш мақсадида топшириқ бериш орқали синаш усулини қўллашни таклиф қилди. 1897 йили рус либерал-буржуа оқимига мансуб тарихчи, Петербург университетининг профессори Н. Кареев «Факультет танлаш ва университет курсини ўтиш» деган китобини чиқарди.

● 1908 йилда АҚШнинг Бостон шаҳридаги Гарвард университети профессори Ф. Парсонс томонидан «Касбга йўллаш бюроси» ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси мактаб ўқувчиларига ҳаёт йўлларида ўз ўринларини топишда ёрдам беришдан иборат эди.

● Англияда 17 ёшгача бўлган ўқувчиларга амалий жиҳатдан касб танлашларида ёрдам берадиган муассасалар очиш ҳақида қонун чиқарилди. 1911 йилда эса меҳнат биржалари билан маориф муассасаларининг фаолиятини йўлга солиш мақсадида махсус кўрсатма эълон қилинди. Бу кўрсатмага биноан шаҳарларда касб танлаш хусусида маслаҳат берадиган қўмиталар тузилди.

● XX аср бошларида Россияда ҳам касбга йўллаш ишларига эътибор кучайди. Бундай фаолият билан дастлаб Москва ўқитувчилар уйининг педагогика музейида ўқувчиларни касбга йўллаш масаласига доир тадқиқотлар олиб борилди.

А. АЛИЕВ
тайёрлаган.

• Бу-қизиқ •

СЕРФАРЗАНД СУЛТОН

Бундан икки аср муқаддам Марокаш давлатига султонлик қилган Моул Исмоил ўзининг салкам тўқсон йиллик ҳаёти мобайнида 888 нафар фарзанд кўрган. Саройда бир киши султон наслини ҳисобга олиб бориш ва ҳар бир фарзанднинг онасига совға бериш билан махсус шуғулланарди.

Ўғил туққан онага тилладан ясалган устара, қиз туққан онага эса кумуш кўзгу тортиқ қилинарди. Мунтазам олиб борилган рўйхатдан аниқланишича, султон фарзандларининг оналарига жами 548 дона тилла устара ва 340 та кумуш кўзгу ҳадя қилган.

С. ОДИЛОВА
тайёрлаган.



НАФОСАТ БЎСТОНИ

«ҚЎШИҚ БИЛАН ДАВОЛАЙМАН»

Столимда газетага бериш учун тайёрланган суратингиз турибди. Бир ойдан бери уни кўраману, сиз ҳақингизда, нималар ёзиш кераклиги ҳақида ўйлайман. Бироқ очиғи, бунга журъат қилолмаяпман. Тийрак нигоҳ билан боқиб турган суратингизу, ўзим сезиб турган сийратингиз мени бир истиҳолага солмоқда. Чунки биринчи танишувдаёқ, «қўшиқ билан даволайман», дедингиз, «қанд касалликлари, юрак, буйрак, бод... касалликларини»... Шунингдек, «фан доктори бўлиш учун йигирма йил изландим, лекин бир оғиз сўз сабаб бўлиб бир кундаёқ экстрасенс бўлдим», дедингиз.

Ҳаж сафарига боришга мушарраф бўлганингизу, минглаб ҳожиларнинг ҳожатини чиқариб, сафар кунларида керакли шароитларни яратган Абдул Қодир Закийнинг боласи ва онасининг ҳам дардига дармон бўлганингиз, шунингдек, шайх Абдулазиз ҳожининг оёғи шол бўлиб, Америка, Япония ва Олмонияларда даволаниб, бир натижа кўрмагани-ю, сизнинг муолажангиздан оёққа туриб кетганлиги ҳам сўзларингиздан маълум бўлди. Шу сабаб сиз ҳақингизда ёзмоқликка яна қўл уролмай қолдим. Аммо суратингизга ҳар гал кўзим тушганида, тийрак қарашларингизни кўз олдимга келтирганимда негадир ёзиш керак, дейман. Кимлигингизни ўқувчиларга ҳам танитай, дейман. Аслида сизни танимайдиган одам йўқ бўлса керак, диёримизда! Машҳур хонанда Дадахон Ҳасановнинг акаси Алижон Ҳасанов эканлигингизни эшитгач, ҳам ўзингизнинг, ҳам укангизнинг мухлислари сергак тортиши аниқ. Шунинг учун ҳам, таҳririятимизга сиз келганингизни билганлар беихтиёр қўшиқларингиз ҳақида баҳс бошлашди. Маҳтумқулидан, Огаҳий-ю Навоийдан айтган қўшиқларингизни мароқ билан тинглашди. Маҳтумқулининг «Кўринг», Гўрўғли достонидаги «На билсин?», «Қадрингни билмас» каби ашулаларнинг ўз даврида қанчалар машҳур бўлгани-ни айтишди. Илм соҳасидаги кашфиётларингиз эса яна қизиқиш уйғотди уларда. Ахир сиз нафақат хонанда, балки минглаб талабалар устози, профессор Алижон Ҳасанов ҳам экансиз-да! Ҳазил-ҳазил билан, Алижон ака, бир ҳамкасбимизнинг яқинда туғилган куни, — дедик. Вақтингиз бўлса келиб, бизга қўшиқларингиздан айтиб берсангиз, зўр иш бўларди-да!..

Очиғи бу таклиф қилганларнинг ҳам ёдидан кўтарилган, туғилган «чақалоқ»нинг эса, ҳатто ишга келмай қолган бир пайтида сиз... Фарғонадан келдингиз, торингиз билан! Куй-қўшиқлар келтирдингиз бизга. Жамоадагилар шоша-пиша бир ерга жам бўлишди. Бешўнта ходимнинг қўшиқларингизни эшитиб, бора-бора кўпайиб кетгани ҳам рост. Дилбар оҳанглар дилдор овоз билан одамлар оламига оқди. Кимдир кўзини юмиб, кимдир кулиб, кимдир хаёл суриб ва кимдир ростмана «ухлаб»... эшитди, қўшиқларингизни. Беихтиёр, суҳбатга берилдингиз: Қўшиқ билан даволайман, одамларни. Агар қаттиқ ухлаб қолган бўлсангиз, уялманг. Кулгингиз келса ёки кўзингизга ёш қуюлса ҳам ўзингизни тийиб, истиҳола қилиб ўтирманг. Ахир, овозимда даво бор. Созимда дардга малҳамлик бор... Мен одатда беморларни бармоқларим билан даволайман. Даволаш жараёнида катта суралардан ўқийман, овозимни баланд қўйиб, Қуръони Карим мутоаласига берилиб кетишим ҳам мумкин... Дастлаб мен бундай хислатим борлигини хаёл ҳам қилмагандим. Вақти келиб, одамларни даволашим мумкинлиги эса етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Умр елдирим, вақт чопағон, — деганларидек, ўлмаган қул ҳар нарсани кўраркан. Ёдимда, оилам билан Шоҳимардонга бордик. Рафиқам қизиқиб ўзини, тақдирини билиш учун оқ рўмолли аёлга юзланди. У кўпчиликни ҳайратга солиб, тўғри гапларни ҳам айтарди. Хотиним ўзи бир хулосага келгач, мени ҳам қизиқтирди. Опа, мени ҳам кўриб қўйинг, — дедим. Йўқ, аёл мени кўришдан воз кечди. Ўзингиз даволайсиз-ку одамларни, нега мени кўриб қўй деяпсиз, — деди. Ҳайрон бўлиб тургандим, хотиним гап қўшди: — Тушунтириброқ айтинг. Ахир улар ҳамиша мазалари бўлмай, бирор шикоятда юрадилар. Доктору табиблар ҳам билолмайди бунинг сабабини. Тузукроқ кўриб, бирор фикрингизни айтинг...

— Айтдим-ку, — деди оқ рўмолли аёл. — Мен уларни кўролмайман. Қудратим етмайди. Уларнинг ўзлари кўрадилар беморларни! Одамларни ўзлари даволашлари керак.

Шу гап кейинчалик кўнглимда ғалати кайфият уйғотди ва айрим экстрасенсларга маслаҳат солдим. Улар менинг кафтимдаги қувватни махсус асбобда кўриб, тўғридан-тўғри ҳужжат ёзиб беришди. Қарабсизки, дастлаб қизиқиш билан бошланган иш жиддий тус олди. Чунки мен кўрган, даволамоқчи бўлганларим ростдан ҳам ижобий томонга ўзгара бошладилар. Кўнгил чигилини қўшиқ билан ёзмоқчи бўлдим. Қўшиғим ҳам таъсир ўтказиб, айримлар ухлаб қола бошлади, айримлар йиғлади, айримлар кулди...

Алижон ака, мана шунинг учун ҳам сиз ҳақингизда ёзолмаяпман. Сизни қўшиқчи, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилган, олий ўқув юртида ўқиган, ҳозирда Жиззаху Фарғонада дарс бериб, Тошкентда яшайди. Демак, ҳамиша йўлда, ҳамиша сафардаги мураббий... деб ёзайинми? Олти фарзанднинг отаси, қатор набираларнинг бобоси, меҳрибон ёр, эътиборли санъаткор, сахий қалбли инсон деб ёритайми? Буларни оддий қилиб ёзиш мумкин. Қўқон йўл қурилиши техникумини тугатгач, қизиқишингизданми, Аббосқори, Мелиқўзи, Расулқори, Умарқориларнинг қўшиғини айтиб, қўшиқчи бўлганингизни, бора-бора қатор санъат байрамлари-ю, пойтахт фестивалларида ҳам қатнашганингизни чиройли қилиб сатрларга тизиш ҳам мумкин?

Лекин ўйласам, менинг қаламимни тўхтатган нарса — сизнинг Ҳожи бобо эканлигингиз, минглаб руҳи пок, дили пок инсонларнинг сизга меҳр билан, ишонч билан боққанликларини ҳис этиш экан! Ахир, сиз юрган мамлакатларнинг озми-кўпми ҳаёсини олганман. Менинг ҳам тасаввурим бор, Муҳаммад пайғамбаримиз «ернинг жаннати экан, бу ерлар, менга самовий жаннат керак...», деб айтган ўша гўшалар тўғрисида. Одамлар саждага бош қўяр экан, намозу тиловатларни берилиб, юракдан сиғиниб ижро этар экан, имонли, эътиқодли одамлар, бу дунёнинг ишлари-ю, ғайриодатий ҳолларидан кўпам ҳаяжонга берилмас одамлар Сизгаки ишончу ҳайрат билан қарабдиларми, демак, мен қандай қилиб ёзаман сиз ҳақингизда! Қандай қилиб қалам тутай бу нурланиб, самовий ва ногаҳоний хислатлардан кўрланиб бораётган инсон ҳақида?

Хуллас, шунақа гаплар, Алижон ака. Қўшиқ билан даволашдан чарчаманг, илойим. Созингизу овозингиз даво бўлиб оқсин турмуш қийинчиликлари-ю уринишларидан қайсидир маънода толиққан кишилар оламига, дейман. Қолаверса, қўшиғу куйни эшитишга ўзларида хоҳиш сезганлар борки, демак, улар бахтиёр бўлишга ҳақлидирлар. Қайсидир маънода эртанги кунларидан умиди бордир уларнинг. Одамларга умидбахш туйғуларни улашмоқлик бахтидан айрилманг, илойим!..

У. АБДУАЗИМОВА.

Ҳамкасблар ижоди

БАНД АЙЛАДИ ЁР

Даврада ногоҳ,
Тўқнашди нигоҳ.
Дилдан чиқди оҳ,
Банд айлади ёр.

Айлади имдод,
Ўшал паризод,
Ғамли дилим шод,
Банд айлади ёр.

Анга қиёс йўқ,
Киприклари ўқ,
Нигоҳлари чўғ,
Банд айлади ёр...

Йўлдош Раҳим Машариф ўғлининг касби ўқитувчи. Лекин бутун қалби билан шеърнятга шайдо. У қўшиқчи шоир сифатида ҳам эл орасида танилиб қолган, десак муболаға бўлмайди. Ёзганлари республика матбуотида бир неча марта эълон қилинган ҳамкасбимизнинг ҳар бир сатри ўз оҳангларига эга эканлигини қуйидаги шеърларни ўқиб ҳам хулоса чиқаришингиз мумкин.

ЕТМАС

Унсиз йиғлар юрагим, ёзганим ёра етмас,
Куйдирар ишқин ўти, оҳим дилдора етмас.
Хаёлимда ҳамиша, ҳаётимда ҳамнишин,
Элга овоза севгим кўзи хуммора етмас.
Ғаввос бўлмай уммонда, дерлар топмас гавҳарни,
Жафо чекмайин кимса дуру гавҳара етмас.
Гул ишқида ёниб ман, бор-йўғимдан тонибман,
Гул узай деган Йўлдош, эвоҳ, гулзора етмас...

СОЗИ БЎЛАК

Дўстлар, қўлга олиб торимни,
Куйга солсам дилда боримни,
Қўшиқ қилсам юрт, диёримни,
Хоразмнинг шўх сози бўлак.
Созанда, эл устози бўлак,
Хонандалар овози бўлак,
Раққосанинг кўп нози бўлак,
Хоразмнинг шўх сози бўлак.
Нақшиндордир Хева меъмори,
Оромбахшдир Жайҳун канори,
Шифобахшдир олма, анори,
Хоразмнинг шўх сози бўлак.
Алла, қўшиқ қулоғинда бор,
Алёр, рақс ёш чоғинда бор,
Очилган гул гулбоғинда бор,
Хоразмнинг овози бўлак...

Йўлдош РАҲИМ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 17.30.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Г-82. ИНДЕКС: 64595. Тираж 117319. 1 2 3 4 5 6.